

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



2019



**ТИЛ ТИЗИМИНИ АНТРОПОЦЕНТРИК
ТАДҚИҚ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**
Тингловчилар учун ўқув-услубий мажмуа

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

Н.М.Эгамбердиева

“ _____ ” _____ 2019 йил

**“ТИЛ ТИЗИМИНИ АНТРОПОЦЕНТРИК ТАДҚИҚ ЭТИШ
ТАМОЙИЛЛАРИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Малака ошириш курси йўналиши: Ўзбек тили филологияси:ўзбек
тилшунослиги**
**Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг
профессор-ўқитувчилари**

Тошкент – 2019

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи:

Д.Худойберганова – филология фанлари доктори

Тақризчилар:

Д.Лутфуллаева- филология фанлари доктори, профессор

Ё. Одилов - филология фанлари доктори

*Ўқув -услубий мажмуа Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ Кенгашининг 2019 йил
28 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	9
III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	1 Ошибка! Закладка не определена.
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР ...	2 Ошибка! Закладка не определена.
V.КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР.....	47
VI.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....	6 Ошибка! Закладка не определена.
VII. КЕЙСЛАР БАНКИ	62
VIII. ГЛОССАРИЙ.....	66
IX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	7 Ошибка! Закладка не определена.

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

“Тил тизимини антропоцентриқ тадқиқ этиш тамойиллари” деб номланган мазкур фан доирасида замонавий ўзбек тилшунослигида эндигина ўрганилаётган антропоцентриқ тилшуносликнинг лингвокультурология, психоллингвистика, **когнитив тилшунослик** йўналишлари, уларнинг ўрганиш объекти, таянч тушунчалари, долзарб муаммолари ҳақида маълумот берилади. Бу фан педагоглари замонавий тилшунослик қўлга киритаётган энг сўнгги ютуқлар билан таништиради, уларни тил ҳодисаларини инсон омили билан боғлаб ўрганишга ўргатади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Тил тизимини антропоцентриқ тадқиқ этиш тамойиллари, унинг таҳлил методлари тил материалларини унинг эгасидан алоҳида ўрганишга йўл қўймайди. Тилга антропоцентриқ ёндашув асосида муайян тил эгаларининг воқеликни идрок этиши, когнитив билими, воқеликни тил орқали акс эттириши, лисоний қобилияти, лисоний хотираси имкониятлари, лексик бирликлар захираси, матн яратиши механизми, матнни идрок этиши қобилияти, тил бирликларининг миллий-маданийлик белгиси каби масалалар очиб берилади. Ўқув фанининг асосий мақсади тингловчиларга айтиш масалалар бўйича назарий маълумот бериш ва уларни тил ҳодисаларини антропоцентриқ парадигма тамойиллари асосида тадқиқ этишга ўргатишдан иборат.

Ўқув фанида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

– тингловчиларга тил тизимини антропоцентрик тадқиқ этиш тамойилларининг юзага келиши, ўрганиш объекти, асосий тушунчалари, йўналишлари ҳақида маълумот бериш;

– тил ва тафаккур, тил ва руҳият, тил ва маданият муносабати масалаларини таҳлил қилиш;

– ўзбек тилида матн яратилиши ва мазмуний идрокига хос хусусиятларни когнитив-семантик ва психолингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш;

– **тингловчиларга лингвомаданий бирликлар ҳақида маълумот бериш.**

– ўзбек тилидаги лингвомаданий бирликларга хос хусусиятларни таҳлил қилиш асосида илмий-назарий хулосалар чиқариш;

– тингловчиларни тил бирликларининг психолингвистик хусусиятларини таҳлил қилишга ўргатиш;

– тингловчиларни **когнитив тилшуносликнинг** ўрганиш объекти, таянч тушунчалари, долзарб муаммолари билан таништириш;

– тингловчиларда матнни антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар

“Тил тизимини антропоцентрик тадқиқ этиш тамойиллари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **ТИНГЛОВЧИ:**

– дунё тилшунослигида антропоцентрик парадигмаларнинг шаклланиш тамойиллари; тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг моҳияти; антропоцентрик тилшуносликнинг асосий тушунчалари, таҳлил методлари; антропоцентрик тилшунослик йўналишлари; антропоцентрик тилшуносликда олиб борилаётган тадқиқотлар; антропоцентрик тилшуносликнинг долзарб муаммоларини **билиши керак;**

– ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик ва статистик таҳлил қила олиш; ўзбек тилидаги мақолларнинг лингвомаданий хусусиятларига хос хусусиятларни таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш; бадий матннинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш; бадий матннинг психолингвистик хусусиятларини белгилаш; тил бирликларининг **когнитив-семантик** хусусиятларини аниқлаш; илмий хулосани муайян тизим асосида баён этиш; илмий таҳлилда замонавий методологияни қўллай билиш **кўникмаларига** эга бўлиши керак;

– матннинг когнитив-семантик хусусиятлари ва макропропозициясини қиёслай олиш; матн яратиш ва уни идрок этиш қонуниятларини илмий билиш; матнни антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида лингвистик таҳлил қила билиш; матнни лингвокультурологик аспектда таҳлил қила билиш; матннинг психолингвистик хусусиятларини аниқлай олиш; тил бирликларини **когнитив-семантик** йўналишда таҳлил қила олиш;

натижаларни статистик ва лингвистик таҳлил қилиш *малакаларини* эгаллаши зарур.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тил тизимини антропоцентрик тадқиқ этиш тамойиллари” курси маъруза ва амалий машғулотлар ҳамда кўчма машғулот шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Тил тизимини антропоцентрик тадқиқ этиш тамойиллари” модули ўқув режасидаги филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар, филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил, тилшунослик назарияси ва методикаси, ўзбек назарий тилшунослиги билан боғлиқликда ва узвийликда ўқитилади.

Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни

“Тил тизимини антропоцентрик тадқиқ этиш тамойиллари” модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий тилшуносликнинг энг сўнгги ютуқлари ва янги йўналишларидан хабардор бўладилар, жаҳон тилшунослигида тил ҳодисаларини янгича ёндашув асосида тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган илғор тажрибалар билан танишадилар, тил бирликларини инсон омили билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкларининг соати				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкларининг соати			
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий	Кўчма машғулот
1.	Антропоцентрик тилшунослик ва унинг асосий тадқиқ тамойиллари	2	2	2		

2.	Ўхшатиш, метафора ва ибораларнинг лингвомаданий тадқиқи	2	2		2	
3.	Прецедент бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари	2	2		2	
4.	Оламнинг лисоний манзарасида мақолларнинг ўрни	2	2		2	
5.	Бадиий матннинг психолингвистик хусусиятлари					2
6.	Бадиий концептнинг матн воситасида ифодаланиши					2
	Жами:	12	12	2	6	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Антропоцентрик тилшунослик ва унинг асосий тадқиқ тамойиллари

Антропоцентрик парадигманинг шаклланиши. Антропоцентрик парадигманинг асосий йўналишлари. Тил тизимини лингвомаданий тадқиқ этиш тамойиллари. Лингвокультурологиянинг тадқиқ объекти. Когнитив тилшуносликнинг асосий вазифалари. Матнни психолингвистик тадқиқ этиш тамойиллари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1-машғулот. Ўхшатиш, метафора ва ибораларнинг лингвомаданий тадқиқи

Лисоний белгининг маъноси ва маданий мазмун бирикувидан таркиб топувчи, семантикасида маданий ахборот мавжуд бўлган лингвомаданий тил бирликлари. Фразеологизмлар, эталонлар, рамзлар, метафоралар, турғун ўхшатишлар, нутқий этикетлар, урф-одат ва маросимга доир сўзлар, топишмоқлар, муқобилсиз лексика, лакуналар (мунозара, суҳбат). Ўхшатиш, метафора ва ибораларнинг лингвомаданий таҳлили (бадиий матн таҳлили).

2-машғулот. Прецедент бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари

Прецедент бирликларнинг моҳияти (мунозара, суҳбат). Прецедент номларнинг лингвомаданий хусусияти (бадий матн таҳлили). Прецедент жумлалар ва уларнинг бадий матнда қўлланиши (бадий матн таҳлили). Прецедент матнларнинг лингвомаданий хусусияти (бадий матн таҳлили).

3-машғулот. Оламнинг лисоний манзарасида мақолларнинг ўрни

Мақолларнинг лингвомаданий моҳияти (мунозара,суҳбат). Мақолларнинг маданий кодлар асосида шаклланиши.Мақолларнинг бадий матнда қўлланиши (бадий матн таҳлили).Ўзбек тилидаги мақолларнинг лингвомаданий хусусиятларига хос хусусиятларни таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ.

1-кўчма машғулот. Бадий матннинг психолингвистик

хусусиятлари

Бадий матнда асар персонажи руҳий ҳолатининг ифодаланишини таҳлил қилиш (бадий матн таҳлили). Персонаж руҳий ҳолатининг адиб нутқи орқали берилишини таҳлил қилиш (бадий матн таҳлили). Персонажнинг жисмоний хатти-ҳаракати тасвирида руҳий ҳолатнинг ифодаланишини таҳлил қилиш (бадий матн таҳлили). Бадий матнда психологик ҳолатларни ифодалашда қўлланган ассоциатив сўзларни аниқлаш. Бадий матнда ифодаланган персонажлар руҳий ҳолатини таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш, тил бирликлари ортида яширинган психологик омилларни матннинг лингвистик хусусиятлари билан уйғунликда ўрганиш.

2-кўчма машғулот. Бадий концептнинг матн воситасида

ифодаланиши

Бадий матнда концептнинг ифодаланишини таҳлил қилиш (бадий матн таҳлили). Концептнинг воқеланишида қайси лисоний воситалардан фойдаланилганини аниқлаш (бадий матн таҳлили). Бадий концептларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш (бадий матн таҳлили). Бадий концептни таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотида, мавзуни мустақамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулотида фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- катнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

Намуна.

Фикр: “Прецедент бирликларнинг инсон тафаккурида гуруҳларга бирлашиб, ассоциатив майдонни ҳосил қилади”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади. Мазкур метод тингловчиларнинг мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, билимларини

текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга алоқадор тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчил мазкур тушунчаларнинг қандай маънони англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўз жавобини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчилар фаоллигини ошириш, эгалланган билимларни таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни тингловчиларни баҳолаш, ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижа беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган тарқатма материаллари берилади. Шундан сўнг иштирокчилар топшириқни бажариб, тўғри жавобни тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилайдилар. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради, гуруҳ аъзолари топшириқ бўйича келишган ҳолда жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқадиладар. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри жавоблар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Антропоцентрик тажриба ўтказиш» кетма-кетлигини
жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Топшириқлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Сўров анкеталарини яратиш.					
Синалувчиларни белгилаш.					
Стимул сўзларни ажратиш.					
Антропоцентрик тажриба турини белгилаш.					
Антропоцентрик тажриба натижаларини умумлаштириш.					
Антропоцентрик тажриба натижаларини статистик таҳлил қилиш.					

III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-мавзу. Антропоцентрик тилшунослик ва унинг асосий тадқиқ тамойиллари

Режа:

1. Антропоцентрик парадигманинг шаклланиши.
2. Антропоцентрик парадигманинг асосий йўналишлари.
3. Когнитив тилшуносликнинг асосий вазифалари.
4. Матнни психолингвистик тадқиқ этиш тамойиллари.
5. Тил тизимини лингвомаданий тадқиқ этиш тамойиллари.

Таянч иборалар

Антропоцентрик парадигма, лингвистик семантика, когнитив тилшунослик, психолингвистика, прагматик тилшунослик, лингвокультурология, лингвоперсонология, агмалингвистика, социолингвистика, нейролингвистика, этнолингвистика, концепт, когнитив метафоралар, дискурс, лингвомаданий бирликлар.

Кейинги йилларда, хусусан, XXI аср бошларидан тил тизимини лингвокультурологик, прагматик, социолингвистик, когнитив ва психолингвистик тамойиллар асосида тадқиқ этиш тенденцияси кучайди. Тилга фақат семантик-синтактик жиҳатдан боғланган гаплар йиғиндиси сифатида эмас, балки ижтимоий қимматга эга бўлган мулоқот шакли, ўзида муайян тил соҳибларининг билимларини, лисоний тафаккурини, миллий психологияси ва менталитетини акс эттирувчи ментал қурилма сифатида қарала бошланди.

Антропоцентрик парадигманинг шаклланиши тил соҳиби – сўзловчи шахс омилини тадқиқ этиш билан боғлиқдир. Тилшуносликда антропоцентрик бурилишнинг юзага келиши структурализмнинг тилни тадқиқ этишнинг “ўзида ва ўзи учун” тамойилини четга суриб, асосий эътиборини шахс омилига қаратди¹.

Ҳозирги вақтда тилшуносликнинг етакчи парадигмаларидан бири сифатида тан олинаётган антропоцентризмнинг илдизлари В.фон Гумбольдт ҳамда Л.Вайсгербернинг назарий қарашларидан озиқланди².

¹ Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – Москва, 2001. – № 1. – С. 64.

² Бу ҳақда қаранг: Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001. – С. 17; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5.

Антропоцентризм сўзи юнонча anthropos – одам ҳамда лотинча centrum - марказ маъносини билдирувчи сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган¹. *Антропоцентризм* термини дастлаб қадимги юнон фалсафасининг “Инсон – коинот марказидир” деган ғояни илгари сурувчи қарашига Антропоцентризм сўзи юнонча anthropos - одам ҳамда лотинча centrum - марказ маъносини билдирувчи сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган .

Антропоцентризм термини дастлаб қадимги юнон фалсафасининг “Инсон - коинот марказидир” деган ғояни илгари сурувчи қарашига нисбатан қўлланган бўлиб, бу ғоя айниқса Ўрта асрларда Европада кенг тарқалди . Проф. Ш.Сафаров антропоцентриқ парадигманинг юзага келишини куйидагича изоҳлайди: “Систем-структур парадигма ўзидан олдин юзага келган қиёсий-тарихий парадигманинг “атомистик”, яъни тил ҳодисаларини алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажратган ҳолда таҳлил қилиниши натижасида юзага келган нуқсонларини бартараф қилиш йўлини тутди. Систем-структур йўналишининг асосий самараси тилнинг тизимли ҳодиса эканлигини исботлашдан иборатдир. Аммо бу икки парадигманинг умумий камчилиги борлиги ҳам маълум бўлди: бу йўналишларда тил ўз эгаси – инсондан ажралиб қолди. Ушбу нуқсонни йўқотиш йўлидаги уринишлар прагматик ва когнитив тилшунослик парадигмаларининг яратилишига сабаб бўлди”². Проф. Н.Маҳмудов эса тилшуносликда антропоцентриқ парадигманинг шаклланиши ҳақида мулоҳаза юритар экан, куйидаги фикрларини баён қилади: “Тилнинг ана шундай объектив хусусиятига мувофиқ равишда антропоцентриқ парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади. Мутахассислар таниқли рус адиби С.Довлатовнинг “инсон шахсиятининг 90 фоизини тил ташкил қилади” деган ҳикматомуз гапини тилга оладилар. В.А.Маслова таъкидлаганидай, инсон ақлини инсоннинг ўзидан, тилдан ва нутқ яратиш ҳамда нутқни идрок қилиш қобилиятидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди”³.

Тилшуносликда тил тизимини антропоцентриқ нуқтаи назардан ўрганиш, асосан, лингвистик семантика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, прагматик тилшунослик, лингвокультурологияга оид тадқиқотларда намоён бўлган. Антропоцентриқ парадигма асосида яратилган ишларда тил тизими шахс омили билан боғлиқликда тадқиқ этилган. Ўзбек тилшуносларининг лингвистик семантика, прагматика, когнитив тилшуносликка оид тадқиқотлари ўзида антропоцентриқ йўналиш тенденцияларини намоён қилса-да, бу борадаги тадқиқотлар ҳали етарли эмас. Ҳозирги вақтда антропоцентриқ парадигманинг етакчи йўналишлари

– Б. 3-16; Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение. – М.: Флинта, 2014. – С. 8.

¹ [http // ph.ras.ru/ elib 0215 html](http://ph.ras.ru/elib/0215.html): Новая философская энциклопедия.

² Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” , 2008. – Б. 35.

³ Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 6-7.

сифатида қуйидагилар эътироф этилади: когнитив тилшунослик, психолингвистика, прагматик тилшунослик, лингвокультурология, лингвоперсонология, прагмалингвистика, социолингвистика, нейролингвистика, этнолингвистика.

Антропоцентрик парадигманинг етакчи йўналишларидан бири бўлган когнитив тилшунослик тилни умумий когнитив механизм сифатида ўрганувчи соҳадир. В.З.Демьянков фикрига кўра, унда тил структураларининг ахборотни қайта ишлашдаги роли нутқ яратилиши ва идрок этилиши нуктаи назаридан ўрганилади. Бунда нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи субъектлар – сўзловчи ва тингловчига ахборотни қайта ишловчи тизим сифатида қаралади. Ахборотнинг вербал босқичга ўтишида ментал тузилма бўлган концепт муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларигача тушунча сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса, унинг ҳозирги вақтдаги изоҳи кенгрок маъно касб этганини кўриш мумкин.

Рус тилшуноси Л.В.Адолина концепт терминига бағишланган мақоласида бу терминнинг таниқли тилшунослар томонидан қайд этилган 12 та таърифни келтиради. Шунингдек, унинг маълумотига кўра, концепт термини ўн нуктаи назардан тасниф қилинган. Масалан, концепт стандартлашишига кўра универсал, этник, гуруҳга оид ва шахсий концептларга; қўлланишига кўра илмий, бадий, маиший концептларга; ифодаланишига кўра лексик-фразеологик, грамматик, синтактик ва матний концептларга бўлинади ва ҳ.к.

Концепт термини борасидаги фикрлар ўзбек тилшунослари Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров ҳамда А.Э.Маматов томонидан батафсил изоҳланган. Шу боисдан биз бу ҳақда ўз қарашларимиз билан чекланишни маъқул ҳисоблаймиз. Фикримизча, концепт кўп қиррали ва кўп қатламли ментал тузилмадир. Шунингдек, у бир вақтнинг ўзида психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларни намоён этади. Зеро, концептнинг когнитив ва лингвокультурологик тадқиқотлар объекти сифатида тавсифланаётгани ҳам шундан далолат беради. Шу сабабли концептнинг тадқиқотчилар томонидан субъектив, ижтимоий, лингвомаданий, бадий концептлар сифатида типларажратилганлигини¹ ягона моҳиятга турли жиҳатлардан ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. Зотан, тил тизими юқоридаги сифатларни ўзида жамулжам этган ниҳоятда серкирра ҳодисалардан бири ҳисобланади.

Н.Ю.Шведова концепт тушунчаси ортида ижтимоий ёки субъектив тарзда анланувчи, инсон ҳаётининг муҳим моддий, ақлий, руҳий томонини акс эттирувчи, ўз тарихий илдизларига эга бўлган, халқнинг умумий тажрибасини акс эттирадиган мазмун туришини қайд этади². Маълумки, тилшуносликда концептлар, асосан, лексик ҳамда лексик-фразеологик бирликлар орқали ифодаланади, деган фикр устун. Кейинги даврларда эса

¹ http://rtsu.slavist.t/index.php?option=com_content&view=full&id=149&Itemid=80

² Шведова Н.Ю. Русский язык. Избранные работы. – М.: Языки славянской культуры, 2005. – С. 603.

фанда синтактик концептлар ҳақидаги назарий қарашлар, шунингдек, ушбу мавзуга бағишланган тадқиқотлар ҳам юзага келди¹. Уларнинг аксариятида синтактик концепт типик пропозицияга тенглаштирилади².

С.Е.Кузьминанинг фикрига кўра, синтактик концепт бу – «предметлар йиғиндиси ва уларнинг муносабатини акс эттирувчи типик вазият ҳақидаги ахборот бўлиб, у гапнинг структур схемаси орқали ифодаланади ҳамда типик пропозиция (мазмуннинг структурлаштирилган йиғиндиси) орқали намоён бўлади»³.

Бевосита матн ва концепт масаласига тўхталадиган бўлсак, айтиш мумкинки, матн, хусусан, бадий матн концепт ифодачиси бўла олади. Бунда индивидуал-муаллифий ёндашув ҳам, шунингдек, миллий менталлик белгилари ҳам ўз аксини топиши мумкин.

Маълумки, тилшуносликда бадий концепт концепт типларидан бири сифатида баҳоланади. Рус тилшуноси – И.Г.Ткаченко концепт ҳақидаги мақоласида тадқиқотчилар томонидан бадий концептга хос қуйидаги белгилар қайд этилганини таъкидлайди: 1) мантиқ қоидаларига бўйсунмаслик; 2) реал воқеликка ҳар доим ҳам мос келмаслик; 3) потенциал образга динамик тарзда йўналганлик; 4) образлилик; 5) эстетиклик; 6) индивидуаллик⁴.

Яна бир тадқиқотчи – И.А.Тарасованинг фикрига кўра, бадий концептни изоҳлашда икки ёндашувни кузатиш мумкин: 1) бадий концепт – индивидуал – муаллифий, психик ҳосилладир; 2) бадий концепт – миллий ва адабий анъаналар ҳосиласидир⁵. Бизнингча эса, бадий концепт юқорида қайд этилган ҳар иккала хусусиятни ўзида мужассам этади. Зеро, концептнинг ўзида ушбу белгилар мавжуддир.

Ўтган асрнинг сўнги чорагида когнитив тилшуносликнинг таниқли вакили бўлган Ж.Лакофф ҳамда машҳур файласуф М.Жонсон томонидан яратилган метафоралар тўғрисидаги тадқиқот⁶ бу борадаги қарашларнинг туб бурилишига сабаб бўлди. Мазкур тадқиқотчилар когнитив (концептуал) метафоралар назариясига асос солиб, метафоралар фақат тил ҳодисаси бўлибгина қолмай, инсон тафаккурининг ҳам ажралмас қисми эканлигини чуқур ёритиб бердилар. Ж.Лакофф ва М.Жонсон: «Метафоралар нафақат кундалик ҳаёт, нафақат тил, балки тафаккур ва фаолиятимизга ҳам кириб

¹ Кузьмина С.Е. Понятие «синтаксический концепт» в лингвистических исследованиях / Вестник ЧелГУ. 2012. – № 17. Филология. Искусствоведение. Вып. 66. – С. 87-90.

² Қаранг: Кузьмина С.Е. Кўрсатилган мақола.

³ Кузьмина С.Е. Кўрсатилган мақола.

⁴ Ткаченко И.Г. Подходы к трактовке текста и художественного концепта в современной лингвистике // И.Г.Ткаченко, Ю.Г.Мурка // Филологические науки в России за рубежом. Материалы междунаро.заоч.науч. конф. (г.Санкт-Петербург, февраль 2012 г.) – СПб.: Реноме, 2012. – С. 173-175.

⁵ Тарасова И.А. Художественный концепт: диалог лингвистики и литературоведения // Лингвистика. Вестник Нижегородского ун-та. – 2010. – № 4(2). – С. 742-745.

⁶ Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С 387-415.

боради. Бизнинг кундалик тушунчавий тизимимиз ҳам ўз моҳиятига кўра метафорикдир», – деб таъкидлаган эдилар¹.

Когнитив метафоралар ҳақидаги назарияларга асосланиб, бу ҳодисага қуйидагича таъриф бериш мумкин: когнитив метафора шахс когнитив фаолиятига хос ҳодиса бўлиб, бир тушунча ёки ҳукм ҳақидаги билим структуралари асосида иккинчи тушунча ёки ҳукмни категориялаштиришдир.

Ж.Лакофф ва М.Жонсон тадқиқотида таҳлил этилган *вақт бу – пул, вақт бу – чекланган захира, вақт бу – қимматбаҳо буюм* когнитив метафоралари ўзбек тилида сўзлашувчи нутқ эгалари тезаурусидида ҳам мавжудлиги (Масалан: *Бу ишга кўп вақт сарфладим; Вақтим тугай деяпти; Бехуда ишлар вақтни ўғирлайди*) бир қатор когнитив метафораларнинг когнитив-семантик универсалия эканлигидан далолат беради.

Когнитив метафоралар импликацияни юзага келтирувчи омиллардан бири сифатида сўз, сўз бирикмаси, жумла ёки матнда ўз «изи»ни қолдиради. Метафора асосида маъноси (мазмунни) кўчган бирликлар «когнитив айсберг»²нинг юза қисми бўлиб, унинг асосий қисми бизнинг лисоний онгимиз тубида яширин ҳолда мавжуд бўлади.

Тилда шахс ўрнини асосий омиллардан бири сифатида талқин этувчи қарашлар ичида матн яратилишининг когнитив талқини диққатга сазовордир. Когнитив талқинда матн яратилишига «муаллиф – матн – матндан ташқаридаги воқелик» тамойили асосида ёндашилиб, матнга бир вақтнинг ўзида бир неча нуқтаи назар билан қараш фикри илгари сурилади³. Жумладан: сўзловчи мақсадининг ифодаси бўлган матн, нутқ яратилиши маҳсули бўлган матн, тушуниш объекти бўлган матн, тушуниш маҳсули бўлган матн⁴.

Матн яратилишининг когнитив талқинига биноан, матн ментал тузилманинг тилга трансформациясидир. Ушбу талқинга кўра, ботиний нутқдаги бўлажак матнга кетма-кет жойлашувчи пропозициялар йиғиндиси сифатида эмас, балки бутундан қисмларга қараб ҳаракатланувчи яхлит шакл сифатида қаралади. Маълумки, тилшуносликда матннинг ташқи (лексик-грамматик) ва ички (семантик) тузилишга эга эканлиги эътироф этилади⁵. Матннинг ички тузилиши ўзида семантик концентрат, ядровий мазмунни намоён этади. Когнитив тилшуноснинг вазифаси ана шу мазмунга когнитив асос бўлган ментал тузилмаларни аниқлашдан иборатдир. Тадқиқотчилар томонидан «фанлар федерацияси»⁶ деб таърифланган когнитив тилшунослик

¹ Лакофф Ж., Жонсон М. Кўрсатилган асар. – Б.387.

² Қаранг: Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. – Москва, 1994. – № 4. – С. 22.

³ Комарова Л.И. Современные подходы к изучению художественного текста // Аналитика культурологии. Электронное научное издание. ISSM, 1990. – 4045.

⁴ Чувакин А.А. Теория текста: объект и предмет исследования // Критика и семиотика. Вып. 7. – М., 2004. – С.88-90.

⁵ Қаранг: Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 45.

⁶ Демьянков В.З. Кўрсатилган мақола. – Б. 17-33.

учун энг муҳим вазифа тафаккур бирлиги бўлган концептнинг тилда (аникроғи, нутқда) акс этишини таъминловчи тузилмалар, ҳаракатлар, қоидаларни аниқлашдир»¹. Концептнинг лисоний воқеланишини таъминловчи бундай тузилмалар когнитив тилшуносликда фрейм, скрипт, сценарий, пропозиция, вазият модели, образ, схема, рамз каби номлар остида ўрганиб келинмоқда. Ана шундай ментал тузилмалардан бири лингвистик гештальт ҳисобланади. *Гештальт* немисча сўз бўлиб, «образ, структура, яхлит шакл» маъноларини англатади². Илмий адабиётларда гештальтга бирор объектни қисмлар йиғиндиси сифатида эмас, балки яхлит ҳолда идрок этиш жараёни деб таъриф берилади³. Ш.Сафаров гештальтнинг когнитив тилшуносликдаги аҳамияти ҳақида гапирар экан, унинг, айниқса, матн тузилишини ўрганишда муҳим эканини қайд этади⁴. Дарҳақиқат, муайян объектни (шу жумладан матнни ҳам) яхлит тузилма сифатида идрок этиш бу объектни уни ташкил этган қисмларнинг оддий йиғиндиси сифатида эмас, балки уларнинг ўзаро муносабатлари сифатида тушуниш ва тасаввур этишга олиб келади. Бу эса реал воқеликка оид бирор предметнинг ички тузилиши ва моҳиятини чуқурроқ англаш имконини яратади. Психологияга доир адабиётларда гештальт ҳодисасини изоҳлаш учун кўпинча **дарахт** тушунчасидан фойдаланилади. Бунда дарахтни предмет сифатида идрок этувчи шахс уни қисмлар йиғиндиси, яъни тана, илдиз, шохлар ва барглардан иборат ўсимлик сифатида эмас, шу қисмларга бўлинувчи яхлит жисм – дарахт сифатида идрок этиши муҳимдир.

Ҳозирги вақтда когнитив тилшуносликда кенг тарқалган методлардан бири фрейм таҳлили ҳисобланади. Лингвокогнитологияга кўра, ҳар қандай матн маълум бир фрейм ифодасидир. Фрейм назариясини яратган олимлардан бири М.Минский унга шундай таъриф беради: «...фрейм – стереотип вазиятларни намоён қилиш усулларидан бири ҳисобланиб, ҳар қандай фреймда кўпқиррали ахборот ўзаро боғланган бўлади»⁵. Бинобарин, фрейм у ёки бу типик вазиятнинг кенг ҳажмли прототипи бўлиб, матн яратилиши жараёнида когнитив контекст вазифасини бажаради. Матн яратилиши тадқиқида когнитив тузилмалардан бири бўлган гештальт ҳам муҳим ўрин тутаяди. Ҳозирги тилшуносликда мавжуд бўлган *семантик гештальтлар* назарияси тилнинг луғавий сатҳини ўрганишга татбиқ этилган⁶. Гештальт ҳодисасини матн билан боғлаб ўрганувчи тадқиқотлар сони эса жуда оз. Ваҳоланки, ҳар қандай матн яратилиши «бутундан – бўлакка» жараёнини акс эттиради. Проф. Ш.Сафаров фикрига кўра,

¹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б.27.

² Ўша ерда. – Б. 47.

³ Қаранг: Хрестоматия по истории психологии. – М.: Изд-во МГУ, 1980. – С. 84–89; Алефиренко Н. Спорные проблемы семантики. – М.: Гнозис, 2005. – С.326; Сафаров Ш. Кўрсатилган китоб. – Б. 47.

⁴ Сафаров Ш. Кўрсатилган китоб. – Б.47.

⁵ Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. Когнитивные аспекты языка. – М., 1988. Вып. XIII – С. 289.

⁶ Қаранг: Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 2001. – 263 с.

гешталът ва матн яратилишини узвийликда тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади¹.

XX асрнинг 50-йилларида психология ва тилшунослик фанларининг ҳамкорлиги психолингвистика соҳаси натижасида юзага келди. Психолингвистиканинг асосий тадқиқ объекти нутқий фаолият ҳисобланади. Рус тилшунослигида мазкур соҳа ривожига катта ҳисса қўшган А.А.Залевская психолингвистиканинг вазифаси ҳақида ёзар экан, «тилнинг амал қилишини психик феномен сифатида тавсифлаш ва тушунтириш» ушбу соҳанинг асосий мақсади бўлиши кераклигини таъкидлаган эди².

Ф.де Соссюр томонидан тил ва нутқнинг фарқлиниши психолингвистик тадқиқотларда «нутқий фаолият» тушунчасининг янада аниқроқ бўлишига ўз таъсирини кўрсатди. А.А.Леонтьев фикрига кўра, Ф.де Соссюр нутқий фаолиятни тил ва лисоний қобилиятнинг бирлиги сифатида тушунтирган. Л.В.Щерба эса нутқий фаолиятни сўзлаш ва тушуниш жараёнларининг умумлашмаси деб ҳисоблаган³. Е.С.Кубрякованинг таъкидлашича, айнан Л.В.Щерба тил ҳодисаларига оид бўлган нутқ, унинг реал асоси ҳамда нутқий жараён маҳсулини ажратиб кўрсатган⁴. А.А.Леонтьев эса нутқий фаолиятни «нутқий жумлаларнинг нутқий бўлмаган субъектив кодлар орқали дастурлаштирилиши» сифатида баҳолайди⁵. Е.С.Кубрякова *нутқий фаолият* термини остида нутқ яратилиши ва унинг қабул қилинишига оид барча ҳодисаларни тушуниш кераклигини таъкидлайди⁶.

Нутқ яратилиши ҳақидаги назарияда тил ва тафаккур муносабати ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Нутқ яратилиши жараёнининг тафаккур билан алоқаси психолингвистикада «нутқ яратилиши модели» деб номланувчи схемаларда акс эттирилди. Бундай моделларнинг аксариятида Л.С.Виготский томонидан илгари сурилган «Фикрдан – маънога, маънодан – сўзга» деган концепция ўз аксини топди.

Л.С.Виготский фикрига кўра, фикр нутққа айлангунча бир неча босқичларни ўтиши лозим. Олимнинг «ички сўз» ҳақидаги ғояси ботиний нутқ тўғрисидаги қарашлар ривожига катта таъсир кўрсатди. Ички сўз – ботиний нутқда пайдо бўлувчи, инсон онгидаги образлар, ассоциацияларнинг рамзи. Айнан у ботиний нутқнинг ташқи, табиий нутққа айланишида восита бўла олади⁷. Ботиний нутқдаги фикрнинг сўзга айланиш жараёнини у «тафаккур грамматикасининг сўз грамматикасига айланиши» сифатида изоҳлайди⁸.

¹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.

² Залевская А.А. Введение в психолингвистику: Учебник для студентов высших учебных заведений. – М.: Российский гос. гуманитар. ун-т, 1999. – С. 25.

³ Основы теории речевой деятельности. – М.: Наука, 1974. – С. 64.

⁴ Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – С.9.

⁵ Леонтьев А.А. Речевая деятельность // Основы теории речевой деятельности. – М., 1974. – С.25.

⁶ Кубрякова Е.С. Кўрсатилган асар. – Б. 9.

⁷ Виготский Л.С. Мышление и речь. – М.: Наука, 2008. – С. 55-66.

⁸ Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 10.

Нутқий тафаккурга оид қарашлар ичида Ю.Н.Карауловнинг оралик тил ҳақидаги фикрлари ўзига хосдир. Унинг таъкидлашича, «оралиқ тил биологик, физик-кимёвий табиатга эга бўлган мия тили (яъни нейронлар тили) ва инсоннинг тили ўртасидаги воситачи»дир¹.

Нутқ яратилиши жараёни талқинида яна бир масала – тил ва тафаккурнинг айнан ёки алоҳида ҳодисалар эканлиги баҳсли масалалардан бири бўлиб келмоқда. Айрим психолог ва тилшунослар бу борада биринчи фикрни ёқласалар, айримлари бу фикрга қарши чиқадилар². Биз эса «Тил тафаккурнинг ифода шакли ва яшаш формаси сифатида инсон онгининг шаклланишида муҳим ўрин тутиши»³ ҳақидаги фикрларни эътироф этган ҳолда «Тил ўзига хос қонуниятларга эга ва бу қонуниятлар тафаккур қонуниятларидан фарқ қилади»⁴ деган қарашни маъқуллаймиз.

Психоллингвистикага доир кўплаб тадқиқотлар яратган рус тилшуноси ва психологи В.П.Белянин матннинг психоллингвистик хусусиятлари ёритилган «Основы психологической диагностики (модели мира в литературе)» номли китобида матнга лингвистик ва психологик ёндашув ҳақидаги ўз концепциясини яратди. В.В.Беляниннинг фикрига кўра, нутқ ортида нафақат тил тизими, балки психология ҳам туради. Шунингдек, ҳар хил матн ортида турли шахслар психологияси туради. Олимнинг таъкидлашича, бадий матн тузилиши акцентуаллашган онг тузилишига мувофиқдир. Тил инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашнинг энг самарали усулларида биридир. У шундай хусусиятга эга бўлганлиги учун ҳам ўқувчининг туйғуларини «бошқара олади» – унинг қалбида турли кечинмалар, ҳиссиётларни пайдо қилади. Хусусан, бадий матн «Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган бўлади»⁵.

Психологияга доир адабиётларда инсон эмоцияси аффе́кт (кучли, лекин қисқа муддатли эмоционал реакциялар), ҳиссиёт (узоқ ва турғун эмоционал муносабат), кайфият ва стресс (кучли руҳий зарба) каби турларга бўлиб ўрганилади⁶. Табиийки, бадий адабиёт бу эмоцияларнинг барча турларини ифодалаш имконига эга.

Психоллингвистикада ўзига хос йўналиш яратган В.П.Белянин матнни психоллингвистик таҳлил қилиб, матнда ифодаланган эмоция турларига кўра

¹ Кўчирма қуйидаги китобдан олинди: Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 28-31.

² Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 26.

³ Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 400.

⁴ Кўрсатилган луғат. – Б. 400.

⁵ Юлдашев М.М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2009. – Б. 99.

⁶ Шербатых Ю.В. Общая психология. СПб.: Питер, 2008. – С. 42.

уларни 6 турга ажратади: 1) ёруғ матнлар; 2) қоронғи матнлар; 3) қайғули матнлар; 4) қувноқ матнлар; 5) чиройли матнлар; 6) мураккаб матнлар¹.

В.П.Белянин бадий асарнинг психоллингвистик таҳлилига бағишланган бу асарида² ҳиссий-мазмуний доминанта бадий матн яратилишида асосий уюштирувчилик вазифасини бажариши ҳақидаги фикрни илгари сурди. В.П.Белянин *ҳиссий-мазмуний доминанта* терминига «...муайян шахс типи учун характерли бўлган ҳамда олам манзараси ва матнни метафоралаштириш ва вербаллаштириш учун психик асос бўлиб хизмат қиладиган когнитив ва эмотив эталонлар тизимидир»³, - дея таъриф беради. В.П.Белянин ҳиссий-мазмуний доминанта ҳақидаги қарашида матнда ифодаланган муайян вазиятни шахс акцентуацияси билан боғлайди⁴.

Ўзбек бадий прозасида ҳам инсоний ҳиссиётлар ифодаси берилган матнлар кўплаб учрайди. Тадқиқотнинг ушбу қисмида турли ҳиссиётларнинг ифодаланишида қандай тил бирликлари актуаллашиши таҳлил этилди.

Ҳиссиёт ифодаси берилган микроматнлар бадий асарларда турли ҳолатлар воситасида юзага келтирилади. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат: 1. Асар персонажининг кечинмалари унинг нутқидан англашилади. 2. Персонажнинг руҳий ҳолати асар муаллифи нутқи воситасида берилади. Бунда муаллиф қуйидаги усуллардан фойдаланади: а) персонажнинг руҳий ҳолатини бевосита баён қиладди; б) персонажнинг жисмоний хатти-ҳаракатларини тасвирлаш орқали унинг руҳий ҳолатига ишора қиладди; в) табиат тасвири орқали персонажнинг руҳий ҳолатига ишора қиладди.

Бадий асарларни кузатиш натижасида айтиш мумкинки, оҳанг инсоннинг аффеktiv ҳолатини тасвирлашда энг актуал бирлик сифатида намоён бўлади.

А.И.Новиков матннинг психоллингвистик белгилари қаторида компрессивликни ҳам қайд этади⁵. Компрессивлик – ахборот вербал шаклининг сиқиклиги бўлиб, у Н.А.Жинкиннинг ҳар бир матнни битта гап шаклига келтириш мумкинлиги ҳақидаги ғоясига асосланган.

Матннинг психоллингвистик таҳлилига бағишланган айрим тадқиқотларда унинг креоллаштирилганлик, шаклий узилиш ҳамда интерпретативлик хусусиятлари ҳам эътиборга олиниши лозимлиги таъкидланади⁶.

Психоллингвистик нуқтаи назардан матн яратиш ва унинг мазмуний перцепцияси индивиднинг нутқий тафаккури маҳсули, объектив борликни тил тизими воситасида акс эттириш қобилияти сифатида намоён бўлади.

¹ Белянин В.П. Основы психоллингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – 248 с.

² Белянин В.П. Кўрсатилган асар. – Б. 17.

³ Белянин В.П. Кўрсатилган асар. – Б. 23.

⁴ Белянин В.П. Кўрсатилган асар.

⁵ Новиков А.И. Текст как объект исследования лингвopsихологии // Методология современной психоллингвистики. Сб. статей. – Москва; Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2003. – С. 9-17.

⁶ Қаранг: Ковшиков В.А., Пухов В.П. Психоллингвистика. Теория речевой деятельности: Учебник для вузов. – М.: Астрель, АСТ, 2007. – 318 с.

Бунда матннинг шакли ва мазмуни муайян коммуникатив вазият қатнашчиси – конкрет шахснинг психологик хусусиятлари билан алоқадорликда тадқиқ этилади¹.

Матн тушунилишини декодлаш жараёни сифатида талқин этиш ўтган асрнинг сўнгги чорагида эътиборни жалб қилган қарашлардан бири бўлди. Машхур психоллингвист Л.С.Виготский ўз тадқиқотларида вербал тафаккур табиатини кенг миқёсда ёритиб берди². Декодлаш назариясини ривожлантиришда «Жинкин мактаби» деб номланган йўналиш вакиллари катта роль ўйнадилар.

Н.И.Жинкин ўз тадқиқотларида УПК (универсал-предмет коди) ҳақидаги назарияни илгари сурди. Бу қарашга кўра, инсон нутқи дастлаб унинг онгида аморф – шаклсиз ҳолатда бўлади. Бу вербал шакл эмас, у тасаввур ҳолатида бўлади. Бундай предмет коди барча миллат вакиллари учун универсал характерда бўлиб, уни барча тилларга таржима қилиш мумкин³.

XX асрнинг сўнгги чорагидан дунё тилшунослигида лисоний фаолият маҳсули бўлган ҳар қандай нутқий тузилмани уни яратувчи ва идрок этувчи шахс – муаллиф ва реципиент мулоқоти нуқтаи назаридан тадқиқ этишга катта эътибор қаратила бошлади. Нутқий тузилмани мулоқот жараёни сифатида ўрганиш *дискурс* тушунчасининг юзага келишига сабаб бўлди.

Маълумки, *дискурс* (фр. *Diskours* – нутқ, ҳаракат) термини тилшуносликда бир неча хил маънода талқин қилинади. Бу термин дастлаб *боғланма матн* тушунчасини ифодалаган бўлса, кейинчалик *суҳбат*, *диалог* тушунчаларига нисбатан ҳам қўлланила бошлади⁴. Антропоцентрик парадигманинг ривожланиши натижасида *дискурс* термини янада кенгроқ маънога эга бўлмоқда. Мазкур термин остида ҳозирги кунда ўзида нолисоний, хусусан, психологик, ижтимоий ва шахс онги билан боғлиқ омилларни мужассам этган нутқ тузилмасини тушуниш тенденцияси устуворлик қилмоқда⁵. Шу билан бирга, *дискурс* сўзи ифодалаган ҳодисани соф тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиб бўлмаслиги, бунда психология, гносеология, жамиятшунослик, фалсафа, когнитология каби бир неча фанларнинг ҳамкорлиги тақозо этилиши ҳам айни кунда эътироф этилган ҳақиқатдир⁶.

Дискурс мақомидаги нутқий тузилмани тадқиқ этишда шахс, яъни муаллиф ва реципиентнинг лисоний, когнитив, прагматик, психологик фаолияти, нутқ акти бажарилаётган воқелик, шунингдек, нутқ акти иштирокчиларининг бевосита ва дистант мулоқоти ҳамда дискурс тузиш

¹ Қаранг: Зорькина О.С. О психологическом подходе к изучению текста // Язык и культура. – Новосибирск, 2003. – С. 205-210.

² Виготский Л.С. Мышление и речь. – М., 1982.

³ Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М.: Наука, 1982. – С. 157.

⁴ Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1978. – С. 467-468.

⁵ Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 7-8.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Седов К.Ф. Кўрсатилган китоб.

жараёнини моделлаштириш, дискурда жамланган ижтимоий-маданий ахборот масалалари асосий ўринни эгаллайди¹.

Энг сўнгги тадқиқотларда матнга интегротив нуқтаи назар билан ёндашиш фикри илгари сурилмоқда. Жумладан, бунга кўра, матнга бир вақтнинг ўзида коммуникатив, когнитив ва функционал стилистика жиҳатидан ёндашиш натижасида бу борада жиддий ютуқларни қўлга киритиш мумкин². Зеро, интегротив таҳлилнинг устунлиги шундаки, унда матнни бир вақтнинг ўзида лингвистик ва нолисоний омиллар узвийлигида тадқиқ этиш мумкин. Бу эса айни ҳодисанинг моҳиятини тўлиғича ёритиб бериш имконини яратади.

Замонавий тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурология XX асрнинг сўнгги чорагида шакллана бошлади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, «лингвокультурология» термини В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган тадқиқотлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган³.

XXI аср бошига келиб лингвокультурология жаҳон тилшунослигидаги етакчи йўналишлардан бирига айланиб улгурди. Кўплаб тадқиқотларда таъкидланганидек, лингвокультурологиянинг предметини ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият ташкил этади⁴. Лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти ҳақидаги фикрлар борасида бир тўхтамга келинган бўлса-да, айрим мунозарали қарашлар ҳам йўқ эмас. Масалан, В.Н.Телиянинг фикрига кўра, лингвокультурология тил ва маданиятнинг фақат синхрон алоқасини ўрганади. В.А.Маслова эса бу соҳа тилни ҳам синхрон, ҳам диахрон жиҳатдан ўрганади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, В.Н.Телия лингвокультурология объекти умуминсоний характерга эга бўлишини таъкидласа, В.А.Маслова муайян халқ ёки қардош халқлар тилининг лингвокультурологик хусусиятлари алоҳида ўрганилиши лозим эканлигини таъкидлайди⁵. Фикримизча, бу ўринда ҳар иккала олимнинг қарашларини уйғунлаштириш лозим, чунки тил ва маданият алоқаси, аввало, миллий хусусиятни намоён этади. Шу билан бирга, тилда ифодаланувчи айрим концептлар борки, улар ўз моҳиятига кўра умуминсоний характерга эга: *уруш, тинчлик, табиат, орзу-умид, муҳаббат, нафрат* каби.

Ҳозирги вақтда лингвокультурология жаҳон, хусусан, рус тилшунослигида энг ривожланган йўналишлардан бири бўлиб, бу борада кўплаб тадқиқотлар яратилган. Уларда, асосан, қуйидаги масалалар тадқиқ этилганини кўриш мумкин: 1) муайян нутқий жанрнинг

¹ <http://www.krugsovet.ru>: Дискурс.

² Баженова Е.Ю. Интегрированный подход к анализу процесса порождения текста // Вестник Челябинского государственного университета, 2011. Вып. 54. – №13. – С.31.

³ Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. –288 с.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение. Учеб. пособие. – М.: Флинта, 2011. – 176 с.

лингвокультурологик хусусиятлари. Бунда кўпинча мифлар, халқ оғзаки ижодига хос жанрлар тили таҳлил этилган; 2) муайян услубда ёзилган асарда лингвокультурологик концепт ифодаланиши тадқиқи. Бунда, асосан, бадиий-наصريй асарлар тили таҳлил этилган; 3) қиёсий аспектдаги ишлар. Бунда, асосан, рус тилидаги лингвомаданий бирликлар инглиз, немис, француз тиллари билан қиёсланган; 4) лингвокультурологиянинг педагогика фани билан боғлиқ жиҳатлари. Бунда ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчи ва талабаларга лингвокультурологик бирликларни аниқлаш ва таҳлил этиш усуллари ўргатиш асосий мақсад қилиб олинган.

Лингвокультурологик ёндашувдаги тадқиқотлар ўзбек тилшунослигида охириги ўн йилликларда пайдо бўла бошлади. Профессор Н.Маҳмудовнинг «Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...» номли мақоласида лингвокультурология, умуман, антропоцентрик парадигманинг моҳияти ва бу борадаги муаммолар чуқур ва асосли ёритиб берилди. Ушбу мақолани ўзбек тилшунослигида лингвокультурология ҳақида жиддий мулоҳазалар баён қилинган биринчи асар сифатида баҳолаш мумкин. Мақолада лингвокультурологик назариянинг шаклланиши учун хизмат қилган омиллар, ундаги асосий тушунчалар, уларнинг талқинидаги ҳар хилликлар ҳақида асосли мулоҳазалар айтилган¹.

Лингвокультурологиянинг тадқиқ объектларидан бири матн ҳисобланади. «Лингвокультурология» китобининг муаллифи В.А.Маслова бу борада қуйидагича ёзади: «Матн тилшунослик ва маданиятнинг ҳақиқий кесишув нуқтасидир. Зеро, матн тил ҳодисаси ва унинг олий сатҳи ҳисобланади, шу билан бирга у маданият мавжудлигининг амал қилиш шакли ҳамдир. Лингвокультурология эса тилни ўзида маданий қадриятлар тажассуми сифатида тадқиқ этади»². В.А.Маслова, шунингдек, ўхшатишларнинг матн яртилишидаги ўрнига ҳам тўхталиб, улар матнда структур-композицион вазифани бажариши ва матн когерентлигини таъминловчи восита мақомида бўлишини таъкидлайди³. Унинг, хусусан, ўхшатиш-матнлар ҳақидаги фикри ҳам эътиборга моликдир. Кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, ўхшатиш ва унинг қисқарган шакли бўлган метафоралар матнда муҳим когнитив-семантик аҳамият касб этиши билан бирга, тил соҳибларининг миллий-маданий тафаккурига хос жиҳатларни ҳам намоён этувчи ҳодиса бўла олади. Ўхшатиш ва метафоралар асосига қурилган матнлар муайян тилда қолиплаган матн шакллари аниқлаш имкониятини ҳам беради. Уларни матннинг прецедент шакллари сифатида баҳолаш мумкин.

Лингвокультурологияда матн билан боғлиқ яна бир ҳодиса бу – прецедент матн масаласидир. Прецедент матнлар прецедент бирликларнинг бир тури бўлиб, ўзида муайян миллат тил соҳибларига хос бўлган лисоний

¹ Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16.

² Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001. – Б. 5.

³ Маслова В.А. Кўрсатилган китоб.

хотирани акс эттиради. Ҳозирги вақтда, хусусан, рус тилшунослигида бу борада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган.

Прецедент бирликлар тил тизимини тадқиқ этишнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири ҳисобланади. Мазкур бирликларга бағишланган тадқиқотларда қайд этилишича, *прецедент* термини тилшуносликда биринчи марта Ю.Н.Караулов томонидан қўлланган¹.

Рус тилшунослигида муайян тил соҳибларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятда қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар сифатида қайд этилади².

Е.А.Нахимова прецедент феноменларни халқнинг миллий онгида сақланувчи тизим сифатида баҳолайди³.

Прецедентлик интертекстуаллик тушунчаси билан боғлиқ, аниқроғи, унинг ичига кирувчи ҳодисадир. Бадиий матнда интертекстуаллик ҳодисасини батафсил тадқиқ этган М.Йўлдошев унга шундай таъриф беради: «Муайян бадиий матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлиги шу матннинг интертекстуаллигидир»⁴.

Айрим тадқиқотларда прецедентлик интертекстуалликнинг бир тури сифатида қайд этилган⁵. Биз ҳам ушбу фикрни маъқуллаймиз. Прецедентлик интертекстуалликнинг намоён бўлиш шаклларида бири бўлиб, тил соҳибларининг асосий қатламига яхши таниш эканлиги, нутқда қайта-қайта қўлланиши билан характерланади..

Замонавий тадқиқотларда ўхшатишларнинг лингвокультурологик ҳамда этнолингвистик жиҳатларига катта эътибор берилмоқда. «Лингвокультурология» китобининг муаллифи В.А.Маслова ўхшатишларда муайян халқнинг миллий дунёқараши акс этишини таъкидлаб, бу фикрини рус, белорус ва қирғиз тилида қўлланувчи ўхшатиш қурилмалари таҳлили асосида далиллайди.

В.А.Маслова, шунингдек, муайян халқнинг образли тафаккур тарзи хусусан ўша халқ тилида қўлланувчи ўхшатишларда ҳам яққол намоён бўлишини таъкидлайди⁶. Олиманинг бу фикрини ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар ҳам тасдиқлайди. «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли

¹ Қаранг: Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос.ун-т, 2002. – 24 с.

² Қаранг: Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: “Филология”, 1997. Вып. 2. – С. 5-12; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987; Маслова В. Лингвокультурология. Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001. – 208 с.

³ Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // http://www.philology.ru/linguistics/2/narhimova_07.htm.

⁴ Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2009. – 316 б.

⁵ Қаранг: Орлова Н.М. Библиейский текст – как прецедентный феномен: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Саратов: Саратовский гос.ун-т им. Н.Г.Чернышевского, 2010. – 51 с.

⁶ Маслова В.А. Кўрсатилган китоб.

луғати» учун йиғилган материаллар шундан далолат берадики, халқнинг муайян предмет, белги, ҳаракат-ҳолатга муносабати, ассоциатив фикрлаш тарзи ўхшатишларда ҳам намоён бўлади. Жумладан, буни ўзбек тилидаги инсон ҳақидаги ўхшатишларда ҳам кўриш мумкин. Ўзбек тилидаги инсонга доир ўхшатишлар 8 та маъновий гуруҳни ташкил этиб, уларда ҳайвон, ўсимлик, мева номларини билдирувчи сўзлар эталон сифатида кўп қўлланганлиги она тилимизда мулоқот қилувчи тил соҳибларининг этнопсихолингвистик хусусиятларини намоён қилади.

Тилшунослик, маданиятшунослик, этнография, психолингвистика соҳалари ҳамкорлигида юзага келган,¹ фанлар интеграллашуви маҳсули бўлган лингвомаданиятшунослик ана маданият “тили” талқини билан шуғулланувчи антропоцентрик соҳа сифатида фанга лингвомаданий бирлик, лингвомаданият, лингвомаданий ҳамжамият, миллий-маданий коннотативлик, маданий сема, прецедент бирликлар, лисоний онг, оламнинг лисоний манзараси, оламнинг қадриятли манзараси каби бир қатор янги тушунчаларни олиб кирди. Улар қаторида *маданият кодлари* тушунчаси алоҳида мавқега эга.

Лингвомаданиятшуносликда маданият кодлари олам лисоний манзарасининг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф қилинади². В.Н. Телиянинг фикрига кўра, маданият кодлари – муайян маданий мазмунни кодлаштириш мақсадида қўлланувчи турли моддий ва формал воситалардан иборат иккиламчи белгилар тизимидир³. Д.Б.Гудков, М.Л.Ковшоваларнинг маданият кодлари хусусидаги таърифи ҳам юқоридаги таърифга яқин: “Маданият кодлари – инсоннинг моддий ва маънавий оламига оид бўлган маданий мазмунни ифодаловчи белгилар тизими, улар вербал шаклда ҳам, новербал шаклда ҳам бўлиши мумкин”⁴. Маданият кодлари хусусида тадқиқот олиб борган мутахассислар аксарият ҳолларда рус тадқиқотчиси В.В. Краснихнинг “Маданият кодлари ва эталонлари (суҳбатга таклиф)” номли мақоласида келтирилган образли таърифини иқтибос қилиб келтирадилар. Олимнинг таъкидига кўра, маданият кодларини борлиққа ташланган тўр сифатида тасаввур қилиш мумкин. Тафаккуримизга хос бу “тўр” бизни ўраб турган оламни қисмларга ажратади, тартиблаштиради, шаклга солади ҳамда баҳолайди⁵.

Маданият кодлари хусусидаги илмий таъриф ва талқинлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу термин муайян маданий мазмунни шартли, рамзий ва кодланган тарзда ифодаловчи моддий ёки идеал белгилар тизимини билдиради. Маданият кодлари инсон томонидан оламни категориялаштириш жараёнининг маҳсулидир ва бунда, юқорида

¹ Сабитова З.К. Лингвокультурология: учебник. – М.: Флинта: Наука, 2013. – С. 8-9.

² Маслова В.А. Духовный код с позиции лингвокультурологии: единица сакрального и светского // Метафизика. – М., 2016. – №4. – С. 79.

³ Телия В.Н. Ўша асар. – Б. 13.

⁴ Гудков Д.Б., Ковшова М.Л. Телесный код русской культуры. – М.: Гнозис, 2007.

⁵ Красных В.В. Коды и эталоны культуры (приглашение к разговору) // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: МАКС Пресс, 2001. – С.6.

таъкидлаганимиздек, инсон тили маданий мазмуннинг энг муҳим ифодачиларидан бири ҳисобланади. Маданият кодлари тилда асосан халқнинг образли тафаккурини намоён этувчи мақол, ибора, турғун ўхшатиш, метафора, қарғиш, дуо ва олқишлар каби лингвомаданий бирликларда инъикос этади. Маданият кодларида инсонларнинг моддий ва маънавий олам ҳақидаги тасаввурлари, миллий тафаккури, аксиологик қарашлари яққол кўзга ташланади.

Илмий адабиётларда маданият кодларининг турлари сифатида соматик код, маконий код, темпорал код, предметли код, биоморф код, маънавий код¹, антропоморф код, фазовий код, урушга доир код, тиббий код, меъморий код, спорт коди, геометрик код, гастрономик код, кийим-кечак коди,² мифологик код, теоморф код, ранг-тус коди³ кабилар қайд этилади. Айрим тадқиқотчилар зооморф код ҳамда фитоморф кодни биоморф коднинг турлари ҳисоблайдилар, биоморф код баъзан *наботот-ландшафт коди* тарзида ҳам номланади⁴.

Лингвокультурологик ёндашувларга кўра, матн – муайян халқнинг маданий қадриятларини, миллий-ментал фикрлаш тарзини намоён этувчи лингвомаданий бирликдир. Хусусан, прецедент бирликлар маданий кодларни авлоддан авлодга олиб ўтувчи восита сифатида намоён бўлади. Таркибида ўхшатишлар, метафоралар, мақол ва фразеологик бирликлар, нутқий этикетлар бўлган матнлар ўзида миллий-маданий қадриятларни тажассум этган лисоний-маданий феномен сифатида қайд этилади.

Дунё тилшунослигида матнни антропоцентрик парадигма асосида ўрганиш, асосан, лингвистик семантика, лингвокогнитология, психолингвистика, лингвокультурология, прагматик тилшуносликка оид тадқиқотларда кўзга ташланади. Хусусан, Н.Хомский, У.Чейф, Б.А.Серебренников, Л.В.Шчерба, Ю.Н.Степанов, И.Р.Гальперин, Н.И.Караулов, Н.И.Жинкин, А.А.Леонтьев, Ж.Лакофф, Т.А.ван Дейк, А.Вежбицкая, Е.С.Кубрякова, Э.Рош, В.П.Белянин, В.З.Демьянков, В.А.Маслова, Т.М.Дридзе, К.Ф.Седов, А.Нурмонов, Н.М.Маҳмудов, Э.А.Бегматов, Ш.Сафаров, С.Боймирзаева, И.Азимова каби тилшуносларнинг ишларида тил тизими антропоцентризм тамойиллари асосида тадқиқ этилган. Ўзбек тилшунослигида тил бирликлари XXI аср бошларидан антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этила бошланди. Бу борада амалга оширилган ишлар когнитив тилшунослик назарияси, матннинг социолингвистик, прагматингвистик хусусиятлари, унинг дискурсив-когнитив жиҳатлари, публицистик матннинг мазмуний перцепцияси, ўзбек болалар нутқининг

¹ Красных В.В. Ўша мақола.

² Маслова В.В. Ўша мақола.

³ Краснобаева-Чёрная Ж. В. Пространственный код культуры ценностной картины мира (на материале русской, украинской, английской и немецкой фразеологии) // Сибирский филологический журнал – 2018. – №4. – С.169.

⁴ Саргач Х. Коды культуры как одно из основных понятий лингвокультурологии: на материале фразеологизмов с компонентом «камень» и «ветер» в русском и турецком языках // www.ulakbilderdergisu.com.

социопсихоллингвистик тадқиқи ҳамда антропоцентрик парадигманинг назарий муаммоларига бағишланган¹.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзбек тили тизими ҳам дунё тилшунослигида етакчи парадигмалардан бири ҳисобланган антропоцентризм асосида тадқиқ этилиши лозим. Бу ўзбек тилшунослиги ривожини янада юқори поғонага кўтариши билан бирга тилимизнинг жамият, маданият, миллий менталитет ва руҳият билан узвийлигини кўрсатишга хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. Тилшуносликда антропоцентрик парадигма қачон шаклланди?
2. Тилшуносликда антропоцентрик бурилишнинг юзага келиши нима билан боғлиқ?
3. *Антропоцентризм* термини қандай тушунчани англатади?
4. Қайси тилшунос олимлар ишларида тил тизими шахс омили билан боғлиқликда тадқиқ этилган?
5. Бугунги кунда лисоний фаолият бажарувчиси бўлган шахс омили тилшуносликнинг қайси соҳаларида ўрганилмоқда?
6. Когнитив тилшуносликда тилнинг қайси жиҳати ўрганилади?
7. *Когниция* тушунчаси нимани англатади?
8. Ўзбек тилшунослигида матн антропоцентрик парадигма асосида таҳлил этилган қандай ишларни биласиз?
- 9.
10. Когнитив тилшуносликнингнинг ўрганиш объектига нималар киради?
11. Психоллингвистикада тилнинг қайси жиҳати ўрганилади?

¹Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2000 – 47 б.; Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2001. – 283 б.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.; Сафаров Ш. Прагмаллингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – 285 б.; Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗМУ, 2008. – 24 б.; Нурмонов А. Имманентликдан когнитивликка // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2009. – №6. – Б. 104-107; Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2010. – 320 б.; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24; Усмонова Ш. Психоллингвистика / Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент, 2012. Раҳимов А. Тилни парадигмалар асосида ўрганиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 2. – Б. 20-25; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3-8; Маҳмудов Н. Фан тили ва тил фани // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 5. – Б. 3-10; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220; Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39; Усмонова Ш., Бекмухамедова Н., Искандарова Г. Социоллингвистика : Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2014. – 83 б.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР 1 - амалий машғулот

Ўхшатиш, метафора ва ибораларнинг лингвомаданий тадқиқи

Ишдан мақсад: Лисоний белгининг маъноси ва маданий мазмун бирикувидан таркиб топувчи, семантикасида маданий ахборот мавжуд бўлган лингвомаданий тил бирликлари (мунозара, суҳбат). Ўхшатиш, метафора ва ибораларнинг лингвомаданий таҳлили (бадий матн таҳлили).

Таянч иборалар: *Фразеологизмлар, эталонлар, рамзлар, метафоралар, турғун ўхшатишлар, нутқий этикетлар, урф-одат ва маросимга доир сўзлар, топшимоқлар, муқобилсиз лексика, лақналар, прецедент бирликлар.*

Масаланинг қўйилиши: Маданият, халқ тафаккури, унинг оламни идрок этишидаги ўзига хос жиҳатларнинг тилда акс этишини ўрганиш лингвокультурологиянинг асосий мақсадидир . Мазкур соҳанинг объекти тил ва маданият, предмети эса ўзида маданий семантикани намоён этувчи тил бирликлари ҳисобланади. Бинобарин, лингвокультурологияда маданий ахборот ташувчи тил бирликлари тадқиқ этилади . Бундай тил бирликлари лингвомаданий бирликлар термини остида бирлашади. Рамз, мифологема, эталон, метафора, иборалар, турғун ўхшатишлар, паремиологик бирликлар, лақналар, стереотиплар, прецедент бирликлар, нутқий этикетлар энг асосий лингвомаданий бирликлар ҳисобланади. Маълумки, лингвокультурологияда Л.Вайсгербер томонидан тилшуносликка олиб кирилган оламнинг лисоний манзараси тушунчаси алоҳида ўрин тутди. Оламнинг лисоний манзараси воқеликни идрок этишининг тилда муҳрланган ва муайян лисоний жамоа учун хос бўлган тузилиши, оламни идрок этиш ва концептуаллаштиришнинг универсал ва айни вақтда миллий хосланган усулидир . Ҳар бир табиий тил оламнинг ўзига хос лисоний манзараси ҳисобланади. Кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, ўхшатиш ва унинг қисқарган шакли бўлган метафоралар матнда муҳим когнитив-семантик аҳамият касб этиши билан бирга, тил соҳибларининг миллий-маданий тафаккурига хос жиҳатларни ҳам намоён этувчи ҳодиса бўла олади. Ўхшатишлар, метафоралар ҳамда таркибида прецедент бирликлар, эталонлар, нутқий этикетлар мавжуд бўлган матнларни ўрганиш муайян этносга хос бўлган оламнинг лисоний манзараси илмий талқинини яратишда энг муҳим манба ҳисобланади. Тилнинг миллий-маданий ўзига хослиги айниқса турғун ўхшатишларда яққол намоён бўлади. Профессор Низомиддин Маҳмудовнинг “Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули” номли мақоласида ҳар бир халқнинг дунёни тил воситасида идрок этишидаги ўзига хосликлар турли тиллардаги турғун ўхшатишлар мисолида кўрсатиб берилган. Н.Маҳмудов *ой* ўхшатиш эталони ўзбек тилида тўртта мазмунда (чиройли, порламоқ, равшан, гўзаллашмоқ) қўлланишини қайд этиб, қуйидаги фикрларни ёзади: “Аmmo рус лингвомаданиятида *ой* ўхшатиш эталонининг ўзбек тилидаги мазкур тўрт

мазмунидан бирортаси ҳам мавжуд эмас, бу лингвомаданиятда ой образи кўпроқ гамгин, маъюс, совуқ манзара билан боғланади... Хитой ва корейсларда ой эталони фақат мусбат ўлчовларда талқин этилади, гўзал аёлнинг ойга ўхшатилиши жуда кенг тарқалган, худди ўзбеклардаги каби ой образи гўзаллик, ёрқинлик, ёқимлилик каби сифатларни тамсил этишга хизмат қилади. Ёки хитой ва корейсларда аёл юзининг ўрикка, мажнунтол новдасига ўхшатилиши, гўзал юз айланаси (овал шакли)нинг ошқовокнинг уруғидан иборат эталон воситасида таъкидланиши мавжудки, улар ўзбек, рус ва бошқа лисоний ментал анъаналарига бегонадир. Демак, турли тилларда ўхшатиш эталонларининг танланишида ҳам фарқли миллий-этник идрок ҳал қилувчи ўрин тутади”.

"Лингвокультуроология" китобининг муаллифи В.А.Маслова ўхшатишларда муайян халқнинг миллий дунёқараши акс этишини таъкидлаб, бу фикрини рус, белорус ва қирғиз тилида қўлланувчи ўхшатиш қурилмалари таҳлили асосида далиллайди. Унинг фикрига кўра, *глаза блестящие, как Иссык-Куль, стройный, как марал, сильный, как Манас* каби қурилмалар қирғиз халқининг миллий дунёқарашини акс эттиради. В.А.Маслова, шунингдек, муайян халқнинг образли тафаккур тарзи ўша халқ тилида қўлланувчи ўхшатишларда ҳам яққол намоён бўлишини таъкидлайди. Олиманинг бу фикрини ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар ҳам тасдиқлайди. "Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати" учун йиғилган материаллар шундан далолат берадики, халқнинг муайян предмет, белги, ҳаракат-ҳолатга муносабати, ассоциатив фикрлаш тарзи ўхшатишларда ҳам намоён бўлади. Жумладан, буни ўзбек тилидаги инсон ҳақидаги ўхшатишларда ҳам кўришимиз мумкин.

1. Инсон аъзолари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: алифдек / сарвдек / самбитдек / шамшоддек тик қомат, ангишвонадек кичкина оғиз, анордай қизил юз, бургутникидай ўткир кўз, гуручдай оппоқ, майда тиш, чўмичдай катта бурун.

2. Инсоннинг ташқи кўриниши билан боғлиқ ўхшатишлар: асроилдай хунук, ойдай гўзал, теракдай новча, чигирткадай / арво?дай / косовдай / чўпдай озғин.

3. Инсоннинг жисмоний хусусияти билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: шердай кучли, айиқдай бақувват, алпдай паҳлавон, гулдай нафис.

4. Инсоннинг овози билан боғлиқ ўхшатишлар: айиқдай / шердай / арслондай / туядай бўкирмоқ, наъра тортмоқ, бўридай увилламоқ.

5. Инсон нутқи билан боғлиқ ўхшатишлар: автоматдай тез гапирмоқ, беданадай сайрамоқ, итдай қопмоқ, итдай ирилламоқ.

6. Инсоннинг характери билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: бир қоп ёнғоқдай шалдир-шулдир, авлиёдай бегуноҳ, аммамнинг бузоғидек бўш, ипакдай мулойим, итдай садоқатли, молдай бефаҳм, мусичадай беозор, сутдай оқ, таёқдай тўғри, тулкидай айёр, эшакдай қайсар, қўйдаи ювош.

7. Инсоннинг ҳолати билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: бақадай / шамдай / ҳайкалдай / тошдай қотмоқ, докадай / девордай / бўздай оқармоқ, тилла топган гадойдаи севинмоқ, сувга тушган бўлка нондек бўшашмоқ.

8. Инсоннинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: елимдай ёпишмоқ, итдай / девдай / эшакдай / молдай / қулдай ишламоқ. Ўзбек тилидаги инсон билан боғлиқ ўхшатишлар шуни кўрсатадики, уларда инсоннинг ҳолати ва ҳаракатини ифодаловчи ўхшатишлар миқдори бошқа маъновий гуруҳдаги ўхшатишларга нисбатан кўп. Кейинги ўринда эса инсон аъзоларини ифодаловчи ўхшатишлар туради. Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек тилида сўзлашувчи тил соҳиблари кўпроқ инсоннинг ҳаракат-ҳолатини образли тарзда ифодалайди.

Ўхшатиш учун эталон сифатида танланган сўзлар ҳам ўзбек тилининг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи тил бирлигидир. Инсоннинг характери ва хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишларда ўзбек тили соҳибларининг эталон сифатида турли ҳайвон ва жониворларни билдирувчи сўзлардан кўпроқ фойдаланганлиги маълум бўлади. Масалан: итдай садоқатли, молдай бефаҳм, мусичадай беозор, эшакдай қайсар, қўйдаи ювош (характер билан боғлиқ ўхшатишлар); итдай ишламоқ, эчкидай сакрамоқ, тошбақадай судралмоқ(ҳаракат билан боғлиқ ўхшатишлар).

Ўзбек тилида ўсимлик ва мева номларининг ўхшатиш эталони сифатида қўлланиши ҳам кўп учрайди. Бундай ўхшатиш эталонларига *самбит, шамшод, сарв, терак, лавлаги, шолғом, гилос, олма, ёнғоқ* каби сўзларни мисол сифатида келтириш мумкин. Ҳайвонни билдирувчи сўзларнинг ўхшатиш эталони сифатида қўлланиши шахснинг субъектив муносабатини билдириш ҳаракати билан боғлиқ эканлиги яққол сезилади. Масалан, *ит* сўзи эталон бўлиб келган ўхшатишлар сони ўндан ортиқ бўлиб, уларнинг барчаси инсонга нисбатан қўлланган. *Илон* эталони ҳам шундай хусусиятга эга .

Ўзбек халқ мақоллари, ибораларида ҳам халқимизнинг образли тафаккури, воқеликни тил воситасида қабул қилиш ва ифодалашнинг ўзига хос жиҳатлари ёрқин намоён бўлади. Шу сабабли бундай бирликларни ўзбек маданияти ва миллий қадриятлари билан узвийликда ўрганишни бугунги тилшунослигимизнинг долзарб масалаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тили соҳиблари ўта хурсанд бўлиш ҳолатини *дўпписини осмонга отмоқ* ибораси воситасида ифодалайдилар. Ушбу иборада *дўппи* сўзи таянч миллий-маданий лексика вазифасини ўтайди. Бу, хусусан, бошқа миллатлар тилидаги шу маъноли ибора билан қиёсланганда яққол кўзга ташланади. Масалан, рус тилида ушбу ҳолат *на душе точно ангелы поют (қалбида гўёки фаришталар куйляпти), заиграли кости (суяклари ўйнаб кетди)* иборалари орқали ифодаланади. Кўринадики, ҳар бир тил эгаси муайян ҳолатни, ўз миллий тафаккуридан келиб чиқиб, муайян вазият билан образли-ассоциатив тарзда боғлайди ва бу жараён тилда ўз аксини топади. Умуман, ўхшатишлар, иборалар, метафоралар лингвокультурологияга оид адабиётларда тилнинг лингвомаданий бойлиги сифатида эътироф этилади . Бу каби маданий бирликлар ўзида бирор этносга хос менталликни, шунингдек, реал воқеликни лисон воситасида ифодалаш даражасини кўрсатувчи далил ҳамдир. Лингвокультурологик ёндашувларга кўра, матн муайян халқнинг маданий

кадриятларини, миллий-ментал фикрлаш тарзини намоён этувчи лингвомаданий бирликдир. Таркибида ўхшатишлар, метафоралар, мақол ва фразеологик бирликлар, нутқий этикетлар бўлган матнлар ўзида миллий-маданий кадриятларни тажассум этган лисоний-маданий феномен сифатида қайд этилади. Уларнинг аксариятида ўзбек миллатининг анъанавий фикрлаш тарзи ва объектив борлиққа бўлган субъектив муносабати ўз ифодасини топган. Бинобарин, бу каби матнлар миллий-маданий белгиларни ўзида сақловчи ва уларнинг давомийлигини таъминловчи лингвомаданий бирликлар сифатида яна кўплаб тадқиқотларнинг объекти бўла олади, деб хулоса қилиш мумкин.

Тингловчи юқоридаги қарашлар асосида амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:

1. Тингловчиларнинг ўзи мансуб бўлган диалектдаги лингвомаданий бирликлар (ўхшатиш, ибора) ҳақидаги мулоҳазалари (мунозара, суҳбат).
2. Лингвомаданий бирликларнинг матнда ифодаланишини аниқлаш (амалий машқ).
3. Ўхшатиш ва ибораларнинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш (лингвистик таҳлил).

ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

1-машқ. Берилган матнда қўлланган лингвомаданий бирликларни аниқланг ва лингвомаданий жиҳатдан шарҳланг.

- Жойи яхши бўлса, ўйлаб кўриш керак... Ош-сувдан кейин кампир Саодатни ўчоқбоши юмишига юбориб, менга қараб қолди:

Саодатга бир яхши жойдан қуяв чиқиб қолди. Кеча унашсак унашқудек ҳам бўлган эдик, бироқ сизнинг маслаҳатингизни олайин, деб совчиларни қайтардим, - демасинми, устимдан бир челақ совуқ сув қуйгандек энтикдим, қандай жавоб беришга тилим келмай қолди. Узоқ вақт кесак каби ҳаракатсиз қолгач, куч орқасида тилимни базур шу сўзга ҳаракатлантирдим:

...Чаён каби мени заҳарламакда бўлган кампирнинг тўғри сўзини эшитиб туришга ортиқ тўзалмадим-да, эртагача ўйлаб жавоб беришни айтиб кампирнинг олдидан чиқдим. Чиққач, оёғи куйган товуқдек тўрт томонга югура бошладим. Эпақалик бир гап эсимга келмас эди. Ниҳоят, ақлимни бошимга йиғиб, сирримдан воқиф бир ошнамга кенгаш солдим... Лекин бутун тунни билан кўзимга уйқу. келмай, тиканга ағнаган каби азобланар эдим ва сустлигим учун ўз-ўзимни сўкар эдим. (А. Қодирий)

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Матнда қўлланган ўхшатишлар фақат ўзбекона образли тафаккурни намоён этиб, шахс руҳий ҳолатини аниқ ифодалашга хизмат қилади. Мазкур матнда уста Олимнинг севгилиси – Саодатдан айрилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб ўзини йўқотиб қўйиши матнда жуда таъсирли ифодаланган. А.Қодирий бундай руҳий ҳолатни тасвирлашда фақат турғун ўхшатишлардан фойдаланган ва бу ёзувчининг мақсадига тўла мувофиқ бўлган.

2-машқ. “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати” дан олинган куйидаги ўхшатишларни лингвомаданий таҳлил қилинг.

Азроилдай хунук, бўрдоқидай / меидай семиз, девдай баҳайбат, занжидек қоп-қора, ниҳолдай нозик, ойдай гўзал, суқсурдай чиройли, теракдай новча, чигирткадай / арвоҳдай / косовдай / чўндай озгин, шердай кучли, айиқдай бақувват, алпдай паҳлавон, гулдай нафис, айиқдай / шердай / арслондай / туядай бўкирмақ, наъра тортмоқ, бўридай увилламоқ, момақалдироқдай гумбурламоқ, кўнгироқдай жарангдор. автоматдай тез гапирмоқ, беданадай сайрамоқ, булбулдай сайрамоқ, итдай қопмоқ, итдай ирилламоқ, чумчуқдек чирқилламоқ, бир қоп ёнзоқдай шалдир-шулдир, авлиёдай бегуноҳ, аммамнинг бузогидек бўш, ипакдай мулойим, итдай садоқатли, молдай бефаҳм, мусичадай беозор, сутдай оқ, таёқдай тўғри, тулкидай айёр, эшакдай қайсар, қўйдай ювош, бақадай / шамдай / ҳайкалдай / тошдай қотмоқ, безгак тутгандай қалтирамоқ, ёш боладай қувонмоқ, докадай / девордай / бўздай оқармоқ, тилла топган гадойдай севинмоқ, тўрвасини йўқотган гадойдай талмовсирамоқ, етимчадек мунгаймоқ, ёғдай эримоқ, игна устида ўтиргандай бетоқат, илондай тўлганмоқ, куйдирган калладай тиржаймоқ, лавлагидай / шолғомдай қизармоқ, сувга тушган бўлка нондек бўшаимоқ, елимдай ёпишмоқ, еб қўйғудай қарамоқ, ёв қувгандай югурмоқ, итдай / девдай / эшакдай / молдай / қулдай ишламоқ, оч калхатдай ёпирилмоқ, кўз қорачигидай асрамоқ, маймундай / эчкидай сакрамоқ, молдай / итдай / чўчқадай / ҳўкиздай ичмоқ, тошбақадай судралмоқ, ўқдек отилиб чиқмоқ.

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Ўзбек тилидаги инсон билан боғлиқ ўхшатишлар шуни кўрсатадики, уларда инсоннинг ҳолати ва ҳаракатини ифодаловчи ўхшатишлар миқдори бошқа маъновий гуруҳдаги ўхшатишларга нисбатан кўп. Кейинги ўринда эса инсон аъзоларини ифодаловчи ўхшатишлар туради. Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек тилида сўзлашувчи тил соҳиблари кўпроқ инсоннинг ҳаракат-ҳолатини образли тарзда ифодалайди. Ўхшатиш учун эталон сифатида танланган сўзлар ҳам ўзбек тилининг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи тил бирлигидир. Инсоннинг характери ва хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишларда ўзбек тили соҳибларининг эталон сифатида турли ҳайвон ва жониворларни билдирувчи сўзлардан кўпроқ фойдаланганлиги маълум бўлади.

3-машқ. Ўзбек тилидаги соматик код иштирок этган ибораларга мисоллар топинг ва уларни лингвомаданий таҳлил қилинг.

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Тингловчилар *бош, кўз, тил, оёқ, жигар, ўпка* каби сўзлар қатнашган ибораларни таҳлил қилиб, ўзбекона миллий тафаккур тарзида соматизмларнинг муҳим ўрин тутиши ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

4 -машқ. Берилган матнда матн муаллифи қайси лингвомаданий бирликлардан фойдаланган?

“... Сен нега мени бу хилватга, бу зулматга ташлаб кетдинг? Нега қалбимдаги имон чироқларини ўчирдинг? Ахир сендан бунни кутмагандим-ку?”

Мана шу кичкина кўримсиз юрагимда муҳаббатинг кемалари сузиб юрарди-ку? Сен нега мени ёлғизликнинг йиртқич қузғунларига ташлаб кетдинг? ... Нега мени умидсизликнинг оқ айиқларига ем қилиб ташлаб кетдинг? (Н.Эшонқул/ “Тун панжаралари”)

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Сўз бирикмаси шаклида воқеланган метафоралар насрий асарларда кўп қўлланилади. Бундай метафоралар микроматн таркибида, асосан, матн референтларини ифодалайди. Улар кўп ҳолларда қаратқичли бирикма сифатида реаллашади: *умр баҳори, бахт остонаси, ҳаёт шароби, бахт қуши* каби. Бу каби бирикмалар бир хил синтактик шаклга эга бўлса-да, уларни ташкил этган элементлар ўртасида икки хил мазмуний муносабатни кузатиш мумкин: 1) метафорик мазмунли бирикма элементлари ўзаро ўхшатиш муносабатида бўлади. Лекин бундай ўхшатиш имплицит характерда бўлиб, бирикманинг ички семантикасига хосдир. Масалан, Н.Эшонқулнинг “Тун панжаралари” номли қиссасидан олинган микроматнда қўлланган метафорик бирикмалар айнан шу ҳодисага мисол бўлади. Матн тузувчи улардан мавҳум тушунчаларни предметлаштириш, жонлантириш, тасвирий ифодани юзага келтириш мақсадида фойдаланадиб, ОЛМни яратишда тил соҳибларининг тутган ўрнини намоён қилади.

Назорат саволлари:

1. Қандай бирликлар лингвомаданий бирликлар саналади?
2. Бадиий матнларда метафорик маъноли бирликлар қандай вазифа бажаради?
3. Тилшуносликда инсон ҳақидаги турғун ўхшатишлар қандай маъновий гуруҳларга таснифланган?
4. Ўхшатиш қурилмалари қандай компонентлардан ташкил топади?
5. Ибораларда қайси маданий кодлар кўпроқ учрайди?

Адабиётлар

1. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3-8.
2. Нишанов В.К. Феномен понимания: когнитивный анализ. – Фрунзе: Илим, 1990. – 228 с.
3. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.
4. Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – 512 с.
5. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М., 1996. – 288 с.
6. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013.
7. Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2015.
8. Телия В.Н. Большой фразеологический словарь русского языка. – М., 2006.

2 - амалий машғулот

Прецедент бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари

Ишдан мақсад: Ўзбек тилидаги прецедент бирликлар ва прецедент шаклларнинг қўлланишига хос хусусиятларни таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

Таянч иборалар: *прецедент бирликлар, прецедент номлар, прецедент жумлалар, прецедент матнлар, аллюзив номлар, интертекстуаллик.*

Масаланинг қўйилиши: Прецедент бирликлар тил тизимини тадқиқ этишнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири ҳисобланади. Мазкур бирликларга бағишланган тадқиқотларда қайд этилишича, *прецедент* термини тилшуносликда биринчи марта Ю.Н.Караулов томонидан рус тилида эълон қилинган “Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности” (М., 1986) номли мақолада қўлланган¹.

Рус тилшунослигида муайян тил соҳибларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятда қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар сифатида қайд этилади².

Е.А.Нахимова прецедент феноменларни халқнинг миллий онгида сақланувчи тизим сифатида баҳолайди³.

Рус тилшунослигидаги прецедент бирликлар тадқиқ этилган ишларда Инжил матнлари, мифлар, халқ қўшиқлари, эртақлар, латифалар, мақол, турғун ўхшатишлар, фразеологизм ҳамда машҳур шахслар номи прецедент бирлик сифатида қайд этилади. Шунга кўра бундай бирликларнинг прецедент номлар, прецедент жумлалар, прецедент матнлар каби турлари ажратилади⁴. Н.Пьего-Гро интертекстуалликка бағишланган тадқиқотида прецедент бирликларни тўртга бўлади: 1. Цитата; 2. Референция. 3. Қўштирноқсиз кўчирма. 4. Аллюзия⁵. Прецедент номларнинг икки муҳим хусусияти тилшунослар томонидан эътироф этилган. Бу – машҳурлик, яъни тил эгалари лисоний хотирасидан мустаҳкам ўрин олиш ҳамда рамзийлик – муайян сифатлар жамулжамининг намунаси бўлишдан иборат. Рус оммавий мулоқотида прецедент номларнинг ўрнини тадқиқ этган Е.А.Нахимова тилшуносликда бундай номларга нисбатан ўндан ортиқ ёндашув мавжудлиги

¹ Қаранг: Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос.ун-т, 2002. – 24 с.

² Қаранг: Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация. Вып. 2. – М.: “Филология”, 1997. – С. 5-12; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987; Маслова В. Лингвокультурология: Учебное пособие. – М.: Academia, 2001. – 208 с.

³ Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // http://www.philology.ru/linguistics/2/narhimova_07.htm.

⁴ Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: “Филология”, 1997. Вып. 2. – С. 5-12.

⁵ Пьего-Гро Н. Введение в теорию интертекстуальности. – М.: ЛКИ, 2008. – 240 с.

хақида ёзади. Булар: интертекстуаллик, прецедентлик, маданиятлараро мулоқот, исмларнинг кўп маънолилиги, аллюзия, вертикал контекст, матн реминисценцияси, шунингдек, метафора ҳақидаги анъанавий ва когнитив назариялардир¹. Бу прецедент номлар моҳиятан кўп қиррали ва кўп вазифали лингвомаданий бирликлар эканлигидан далолат беради. Бу бирликлар ҳатто бутун бир миллатни ифодаловчи маданий код вазифасида ҳам намоён бўла олади.

Қозоқ тилшуноси З.К.Ахметжанованинг ёзишича, қозоқ олимаси Г.М.Алимжанова 2008–2009 йилларда *Қозогистон* топонимининг ассоциативлик хусусиятини аниқлаш бўйича кўп сонли қозогистонликлар билан психолингвистик тажриба ўтказган. Тажрибада респондентларнинг асосий қисми реакция сифатида *Абай* номини қайд этганликлари маълум бўлади. З.К.Ахметжанованинг хулосасига кўра, *Абай* номи қозогистонликлар учун миллат рамзи даражасида туради. Бу эса прецедент номлар муайян миллат маданиятига хос жиҳатларни аниқлашда очқич сўз вазифасини бажара олишини кўрсатади².

Прецедент номларни тадқиқ этиш ўзбек лингвомаданиятига хос жиҳатларни ёритиб беришда ҳам муҳим ўрин тутди. Фикримизча, куйидагиларни аниқлаш бу борадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади:

1. Прецедент номларнинг қайси лингвомаданиятга мансублиги, унинг синхрон ҳолати масаласи. Маълумки, прецедент номлар миллий ва универсал турларга бўлинади. Ҳозирги вақтда Айюб, Афросиёб, Алпомиш, Боғи Эрам, Бойчибор, жоми Жам, Искандар, Каъба, Кумуш, Отабек, Лайли, Мажнун, Фарҳод, Ширин, Тоҳир, Зухра, Одам Ато, Момо Ҳаво, Масих, Тўмарис, Широқ, Амир Темур, Ҳотам, Ҳумо, Усмон, Чўлпон каби ўзбек ва Шарқ лингвомаданиятига; Гамлет, Геракл, Икар, Колумб, Отелло, Яго, Буратино каби Ғарб лингвомаданиятига оид номлар фаол қўлланмоқда. Хусусан, Мустақиллик даврида маънавий қадриятларимизни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ ўзбек тилида Тўмарис, Широқ, Муқанна, Амир Темур, Жалолиддин (Жалолиддин Мангуберди), Бойчибор, Ҳумо, Чўлпон, Усмон (Усмон Носир) каби прецедент номларнинг қўлланиш даражаси ортди. Бу, аввало, ўзбек халқининг миллий ўзлигини, истиқлолнинг ижтимоий аҳамиятини англаб етиш каби ижтимоий-психологик омиллар билан изоҳланади. Ҳозирги глобаллашув даврида оммавий ахборот воситалари орқали спорт, санъат, сиёсат, маданиятга оид бир қанча номлар ўзбеклар орасида ҳам машҳур бўлдики, уларнинг нолисоний омиллари, хусусан, ўзбек лингвомаданиятида тутган ўрни алоҳида ёндашувни тақозо этади.

2. Прецедент номларнинг аллюзив ном вазифасида қўлланиши. Прецедент номларнинг функционал турларидан бири бўлган аллюзив номларга номлар бадииятида услубий фигура сифатида қаралса,

¹ Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // www.philology.ru/linguistic32/nakhimova-07a.htm.

² Ахметжанова З.К. О динамике изменения исследовательского подхода к изучению антропонимов // Вестник ПГУ, 2010. – № 1. – С. 21–25.

лингвокультурологияда улар икки маданий – семиотик майдонни ўзаро туташтирувчи восита сифатида эътироф этилади. Бунда қуйидаги икки жиҳат эътиборга олинмоғи лозим: а) аллюзив номларнинг адабий фактга ишора қилиши ва б) уларнинг турли ижтимоий-тарихий фактга ишора қилиши.

Аллюзив номлар турли тарихий-ижтимоий шароитларда яратилган турли матнларга ишора қилиб келади. Шунинг учун уларни соф лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш бу ҳодисанинг моҳиятини тўлиқ ёритиб бериш имконини бермайди. Масалан, қуйидаги матнни тушуниш учун ўқувчи Қуръони каримда келтирилган “Каҳф” сураси мазмуни билан, яъни ўз диний эътиқодига содиқ қолган бир гуруҳ йигитларнинг ғорга яшириниб, у ерда 300 йил қолиб кетганлиги тўғрисидаги ривоят билан таниш бўлишини тақозо этади:

*Шамчироқ истармен орзуманд дилга,
Бу кун руҳ тилинда ўзга талаффуз.
Ёхуд аҳли Каҳфдай нақ уч юз йилга
Танаффуз сўрармен, катта танаффуз.*

(Э.Шукур.“Шамчироқ истармен...”)

Ўзбек лингвомаданиятида турли матн ва фактлар билан боғлиқ Лобачевский, Ван Гог, Ломоносов, Моцарт, Лист, Герострат, Икар, Эльсинор, Панипат, Ватерлоо каби европача номлар ҳам учрайди. Мазкур номлар қатнашган матнлар нолисоний омиллар, хусусан, ўзга халқлар тарихи ва маданиятидан хабардор бўлишликни талаб қилади

Шу билан бирга, прецедент номлар қатнашган матн ўзида умумжаҳон ёки умуммиллат илми, адабиёти, маданияти ва тарихига доир ахборотларни сақловчи контекст вазифасини ҳам бажаради. Бу, хусусан, прецедент номлар матнда аллюзив ном сифатида қўлланганида воқе бўлади.

Маълумки, аллюзив номлар машҳур адабий ёки тарихий-маданий фактга ишора қилувчи ном ҳисобланади¹. Рус тилшуноси М.В.Калинкин сўзлари билан айтганда, ҳар қандай ном матнга тарихий, маданий, географик, коннотатив маълумотлар етказиб берувчи ўзига хос “транспорт воситаси”дир². Ономастик бирликларнинг функционал турларидан бири бўлган аллюзив номларнинг бу хусусияти уларни интертекстуаллик ҳамда прецедент матн назарияси билан узвийликда ўрганишга замин яратди. Кўплаб тилшунослар эътироф этганидек, аллюзив номлар матнда қўшимча, лекин вербал ифодага эга бўлмаган матн актуаллашувига хизмат қилади. Бунда аллюзив фактнинг машҳурлиги, аллюзия қатнашган горизонтал (вербал) матн, горизонтал матн билан имплицит матннинг ўзаро мазмуний ҳамкорлиги аллюзив жараён ҳосил бўлишининг муҳим шартлари ҳисобланади³.

¹ Гудков Д.П. Теория и практика межкультурной коммуникации. – М.: Гнозис, 2003. – С. 149.

² Калинкин М.В. От литературной ономастики к поэтонимологии // Логос ономастики. – 2006. – №1. – С. 84.

³ Машкова Л.А. Аллюзивность как категория вертикального контекста // Вестник МГУ. Серия 9. Филология. – № 2. – 1989. – С. 25–33.

Аллюзив матнга антропоцентрик ёндашув аслида тилшуносликда ўтган асрнинг 70-йилларида юзага келган вертикал контекст ҳамда Ю.Н.Караулов томонидан яратилган прецедент матн ҳақидаги назариялардан озикланган ҳолда юзага келган.

Дарҳақиқат, аллюзив ном остида яширинган матн прецедент, яъни халқнинг лисоний хотирасида сақланувчи, машҳур матндан иборат бўлмас экан, асарда қўлланган аллюзия кутилган натижани бера олмайди. Бунда аллюзив фактнинг машҳурлиги муҳим аҳамиятга эга.

Аллюзив номлар қатнашган матнни тушунишнинг яна бир шarti – ўқувчи билимларининг даражасидир. Аллюзив ном матн яратувчининг нечоғлик чуқур билим эгаси эканлигини кўрсатиши билан бирга ўқувчи билимлари синаладиган “майдон” ҳамдир. Образли қилиб айтганда, аллюзив ном матндаги яширин мазмунга олиб кирувчи эшик бўлса, ўқувчининг билими бу эшикни очиб берувчи калитдир.

Вертикал контекст назариясига кўра, аллюзив ном икки турдаги, яъни филологик ва ижтимоий-тарихий фактларга ишора қилади¹. Бу фактлардан беҳабар бўлиш, аллюзив факт қанчалик машҳур бўлмасин, матнда ифодаланган мазмунни, унинг ғоявий-эстетик моҳиятини тушунмасликка олиб келади.

Юқорида айтилганидек, аллюзив номлар қўлланган матнлар филологик, ижтимоий-тарихий ва маданий фактлар ҳақидаги ахборотни ўзида сақлайди. У шундай аккумулятив хусусияти билан лингвокультурологик жиҳатни намоён этади. Муайян халқнинг адабий-бадий асарларида қўлланган аллюзив номлар маълум маънода ўша халқ томонидан эгалланган маданият ва интеллект ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Шу боисдан ҳам ўзбек ономастикасидаги прецедент номларни тўплаш ва уларнинг матндаги турли вазифаларини ёритиб бериш катта аҳамиятга эга.

3. Прецедент номларнинг эталон вазифасида келиши. Прецедент номлар маълум сифатларнинг намунавий йиғиндисига ишора қилиш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли муайян лингвомаданиятда бирор тушунчанинг рамзи сифатида қўлланади. Айтиш жоизки, турли матнларда Ҳотам, Луқмони Ҳаким, Рустам, Мажнун, Лайли, Каъба, Боғи Эрам, жоми Жам каби анъанавий рамзий номларни қўллаш билан бирга Кумуш, Жалолиддин, Колумб, Отелло, Тўмарис, Барчин каби номларни ҳам муайян тушунчанинг рамзи сифатида қабул қилиш ўзбек лингвомаданиятига хос хусусиятлардан бирига айланди. Жумладан, бугунги кунда – *Кумуш* иболи, андишали ўзбек аёли, *Жалолиддин* – жасур ватанпарвар, *Колумб* – кашфиётчи, *Отелло* – ўта рашкчи, *Тўмарис* ва *Барчин* номлари эса мард, орияти баланд аёл рамзи сифатида қўлланмоқда. Бундай қўлланиш мазкур прецедент номларнинг ўзбек лингвомаданиятидан эталон сифатида ўрин олишига йўл очади. Прецедент номларнинг эталонлик хусусияти, айниқса, шеърый матнларда яққол кўзга ташланади.

¹ Ахманова О.С., Гюббенет И.В. Кўрсатилган мақола.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек ономастикаси бирликлари ҳам замонавий таҳлил тамойиллари асосида ўрганилиши лозим. Бунда ўзбек лисоний онгида сақланувчи прецедент номларни тадқиқ этиш нафақат тилимиз хусусиятларини, балки халқнинг миллий тафаккури ва психологияси, миллий маданияти, тарихи, урф-одатлари билан алоқадор жиҳатларини кўрсатиб беришга хизмат қилади. Прецедент номлар алоҳида олинган ижодкор асарлари мисолида ҳам тадқиқ этилиши мумкин. Бу ўша ижодкорнинг умумжаҳоний ва умуммиллий маданиятдан нечоғлик хабардор эканлигини кўрсатиши билан, бирга унинг миллатнинг ақлий салоҳияти, бадий тафаккури, маданиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини аниқлаш имконини ҳам беради. Масалан, буни Э.Воҳидов шеърляти мисолида кўриш мумкин. Шоир шеърларида қўлланган прецедент номларни таҳлил қилиш унинг асарлари ономастик кўлами ўзида бой маданий ва тарихий маълумотларни мужассам этганлигини кўрсатади. Шоирнинг “Муҳаббат” номли тўпламига¹ кирган шеърларда юзга яқин прецедент ном қатнашганини кузатиш мумкин.

Прецедент номлар ўзида ижтимоий-тарихий, маданий, географик, фалсафий, сиёсий, маърифий, адабий ахборотни сақловчи потенциал бирликлардир. Улар худди метафора, ўхшатиш, мақол, иборалар каби тилимизнинг бойлиги ҳисобланади ва тил эгаларининг хотирасида сақланиб туради. Прецедент бирликларни антропоцентризм нуқтаи назаридан тадқиқ этиш тилшунослигимизнинг янги саҳифаларини очишга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, матнда прецедент номни келтириш мумтоз адабиётимизда талмеҳ санъати – машҳур шахслар номини келтириш орқали бирор воқеага ишора қилиш санъати сифатида талқин қилинади². Масалан, Лутфийнинг *Яъқуб бикин кўп йигидин қолмади сенсиз Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма* байтида Ислом дини тарихидан маълум бўлган Яъқуб пайғамбарнинг ўз ўғли Юсуфдан айрилгач, йиғлайвериб кўзлари кўр бўлиб қолишига ишора бор.

Қуйидаги матнда ҳам машҳур шахс билан боғлиқ воқеага ишора қилинганлигини кўриш мумкин: *Асар, айниқса катта полотно яратаётган адиб нотаниш оролга бориб қолган сайёҳга ўхшайди. Рўпарасидаги бир варақ оқ қозғоз – нотаниш орол. Бу оролга у Робинзон Крузога ўхшаб, адашиб эмас, ўз ихтиёри билан боради. У оролни обод қилади, боғ-бўстон яратади... Энг муҳими, ёзувчи нотаниш оролда аҳоли яратади. Яъни асар қаҳрамонларига жон ато этади. Зеро, ижод дегани йўқ жойдан бор қилиш демакдир...* (Ў.Ҳошимов. “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”) Кўринадики, бунда Д.Дефонинг “Робинзон Крузо” асаридаги Робинзоннинг нотаниш оролга бориб қолиш воқеасига ишора бор.

Шуни айтиш жоизки, прецедент номлар юзага келиш мотивига кўра турлича бўлади. Улар бадий матнлар, диний матнлар, машҳур ва қизиқ воқеалар, афсона, ривоят, эртақ, латифа, кўшиқ, кинофильмлар билан боғлиқ

¹ Воҳидов Э. Муҳаббат. Шеърлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 448 б.

² Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 199.

бўлиши мумкин. Масалан: Лайли, Мажнун, Хизр, Насриддин Афанди, Шум бола, Қоработир, Тоҳир-Зухра, Сотти каби номлар ўзбеклар орасида машхур ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, прецедент номлар муайян миллат вакилларининг миллий менталитети билан боғлиқ бўлиши билан бирга глобал характерда ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, ўзбек ўқувчиси Напалеон, Колумб, Буратино, Чарли Чаплин, Отелло, Дон Жуан, Робинзон Крузо, Жеки Чан, жаноб Бин каби номлар иштирок этган матнлар мазмунини ҳеч бир қийинчиликсиз қабул қилаверади.

Прецедент номларнинг бадиий матндаги муҳим психолингвистик хусусияти шундан иборатки, улар матн ўқувчиси онгида номатний маъно, яъни матнга доир, лекин унинг вербал тузилишига кирмаган кўшимча маълумотлар¹ актуаллашувини тақозо этади. Ўқувчи бунда номатний маънонинг матннинг прагматик тузилишидаги аҳамиятини ҳам билиши муҳимдир.

Прецедент жумлалар. Прецедент бирликлар ҳисобланувчи прецедент жумлалар ҳам тил эгалари лисоний хотирасида сақланувчи бирликлар бўлиб, уларга барқарор бирикмалар (фразеологизм, турғун ўхшатиш ва метафоралар, нутқий этикетлар, мақол ва ҳадислар) киради. Айрим ишларда прецедент жумлалар қанотли сўзлар, логоепистемалар деб ҳам юритилган².

Кузатишларимизга кўра, прецедент жумлалар айниқса сўзлашув услубида жуда кўп қўлланилади. Хусусан, кинофильм қаҳрамонлари тилидан айтилган айрим гаплар ёки кўшиқ сатрлари кишилар ўртасида тез машхур бўлиб кетади. Бундай жумлаларни тил эгалари ўз нутқий вазиятига мослаган ҳолда ишлатади. Сўров натижасида қуйидаги прецедент жумлалар бугунги кунда кўп қўлланиши аниқланди:

Онамдан қолган тошойна қани? (“Учрашув” фильмидан); *Ўнта қўй нима бўлади?* (“Маҳаллада дув-дув гап” фильмидан); *Отамни уйлантираман деяпти* (“Чинор остидаги дуэль” фильмидан); *Сиз ўшамми?* (“Ўтган кунлар” фильмидан), – *Нима ҳақида гаплашаяпсизлар?* – *Штионлар ҳақида.* (“Келинлар қўзғолони” фильмидан)

Маълумки, ўзбекларда дафндан сўнг “*Марҳум қандай одам эди?*” деб сўраш одат тусига кирган. Ў.Ҳошимов ушбу прецедент жумла асосида қуйидаги матнни яратган:

Умрида бировга яхшилик қилмаган, аксинча, ҳамманинг дилини оғритган баттол бир одам бандаликни бажо келтирибди.

Одатдаги савол ўртага тушибди.

–Фалончи қандай одам эди?

Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Савол тагин такрорланибди:

¹ Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2004. – 283 б.

² Арбузова В.Ю. Прецедентность в русском языке как лингвистический и культурный феномен: на материале научных и эпистолярных текстов: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Елец: Елецкий гос. ун-т, 2007. – С. 8; Канаева Е.Н. Текстовые функции логоепистемы: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М.: Гос. ИРЯ им. А.С.Пушкина, 2007. – С. 4.

–Биродарлар, фалончи қанақа одам эди?

Яна узоқ сукунат чўкибди. Ниҳоят, шу маҳаллада яшайдиган тиш дўхтири ўртага чиқибди.

–Ҳамма тишлари бутун эди, – дебди... Ўзбекнинг галати донишмандлиги бор. (Ў.Ҳошимов. “Таомил”)

Матндан кўринадики, *Яхши одам эди* ўрнида қўлланган *Ҳамма тишлари бутун эди* жумласи орқали ёзувчи ўзбек халқи менталитетининг бир қиррасини очиб бера олган.

Прецедент матнлар. Прецедент бирликлар орасида прецедент матнлар муҳим ўринни эгаллайди. Ю.Н.Караулов прецедент матнларга шундай таъриф беради: “Бирдан ортиқ шахсга тегишли бўлган, уларнинг билиш ва ҳиссий муносабатларида у ёки бу шахс учун аҳамиятли бўлган, яъни мазкур шахс билан алоқадор одамларга жуда яхши таниш бўлган ва, ниҳоят, тил эгалари дискурсида қайта-қайта мурожаат қилинадиган матнлар”¹ прецедент матнлардир.

В.В.Красних прецедент матнларни ижтимоий, миллий ҳамда универсал прецедент матн турларига ажратиш фикрини илгари суради².

Прецедент бирликлар, айниқса, прецедент матн интертекстуаллик тушунчаси билан боғлиқ, аниқроғи, унинг ичига кирувчи ҳодисадир. Бадиий матннинг лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ этган М.Йўлдошев интертекстуалликни шундай таърифлайди: “Муайян бадиий матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлиги шу матннинг интертекстуаллигидир”³.

Айрим тадқиқотларда прецедентлик интертекстуалликнинг бир тури сифатида қайд этилган⁴. Биз ҳам ушбу фикрни маъқуллаймиз. Прецедентлик интертекстуалликнинг намоён бўлиш шаклларида бири бўлиб, тил эгаларининг асосий қатламига яхши таниш эканлиги, нутқда қайта-қайта қўлланиши билан характерланади.

Тингловчи мана шу қарашлар асосида амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:

1. Прецедент бирликларнинг моҳияти (мунозара, суҳбат).
2. Прецедент номларнинг лингвомаданий хусусияти (бадиий матн таҳлили).
3. Прецедент жумлалар ва уларнинг бадиий матнда қўлланиши (бадиий матн таҳлили).

¹ Караулов Ю.Н. Язык и личность. – М.: Наука, 1989. – С. 216.

² Красных В.В. Виртуальная реальность или реальная виртуальность. – М.: Изд-во “Диалог МГУ Москва”, 1998. – С. 19.

³ Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2009. – 316 б.

⁴ Қаранг: Орлова Н.М. Библиейский текст – как прецедентный феномен: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Саратов: Саратовский гос.ун-т им. Н.Г.Чернышевского, 2010. – 51 с.

4. Прецедент матнларнинг лингвомаданий хусусияти (бадий матн таҳлили).

ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

1-машқ. Берилган матнларда қайси прецедент номлар мавжудлигини аниқланг ва уларнинг вазифасини аниқланг.

*Бир йигитлар туғилсинки, бир йигитлар.
Елкалари Асқар тоғдай, ақли расо,
Ориятли, ҳамиятли, насли расо
Бир йигитлар туғилсинки, бир йигитлар...*

(М.Юсуф. “Бир йигитлар туғилсинки...”)

*Ўзбекистон шабчароғи, олмоси Фарғонадир,
Ерда юлдузлар каби ҳар ерда гавҳар ёнадир.
Ҳар тараф боғи Эрам, ҳар манзил кошонадир,
Қувнаган халқнинг лабида канда бўлмай ёнадир.*

(Ғ.Ғулом. “Ўзбекистон шабчароғи...”)

*Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.
Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,
Шу улуг бинога бир гишт қўйсак бас.*

(Ғ.Ғулом. “Вақт”)

*Ҳар гал
ҳар шеъримда
ҳар тепганда қалб
Ўзим ўз қалбимнинг бўлсам Колумби.*

(О.Матжон. “Шеърят”)

*Кимга шошай, кимни қўмсаб, кимга сизинай,
Фариштам, деб оқ ювибу оқ тарай кимни?
Кимни Лайлим, Шириним деб, бахтим деб атай,
Ҳаётим, деб чўққиларга кўтарай кимни?!*

(А.Орипов. “Муҳаббат”)

*Асли туркман қиз бир баҳона, холос,
Излаганим эди сизлар кабилар,
Қўмсаганим – ҳаё, момоларга хос,
Согинганим эди Кумушбибилар...*

(М.Юсуф. “Содда Муҳаммадман...”)

*Эркам, бир кун маъюс кўнглим шодлармисиз?
Хаёлингиз хаёлимга отлармисиз?
Билмам, ўксиб эслармисиз, ёдлармисиз
Мажнунингиз йиқилса ишқ чўлларида?*

(Абдулҳақ. “Эркам бир кун...”)

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Ушбу матнларда прецедент номлар эталон вазифасида келган. Прецедент номлар маълум сифатларнинг намунавий йиғиндисига ишора қилиш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли муайян лингвомаданиятда бирор тушунчанинг рамзи сифатида қўлланади. Айтиш жоизки, турли матнларда Ҳотам, Лукмони Ҳаким, Рустам, Мажнун, Лайли, Каъба, Боғи Эрам, жами Жам каби анъанавий рамзий номларни қўллаш билан бирга Кумуш, Жалолиддин, Колумб, Отелло, Тўмарис, Барчин каби номларни ҳам муайян тушунчанинг рамзи сифатида қабул қилиш ўзбек лингвомаданиятига хос хусусиятлардан бирига айланди. Жумладан, бугунги кунда – *Кумуш* иболи, андишали ўзбек аёли, *Жалолиддин* – жасур ватанпарвар, *Колумб* – кашфиётчи, *Отелло* – ўта рашкчи, *Тўмарис* ва *Барчин* номлари эса мард, орияти баланд аёл рамзи сифатида қўлланмоқда. Бундай қўлланиш мазкур прецедент номларнинг ўзбек лингвомаданиятидан эталон сифатида ўрин олишига йўл очади. Прецедент номларнинг эталонлик хусусияти, айниқса, шеъринг матнларда яққол кўзга ташланади.

2-машқ. Берилган матнда прецедент бирликни ва унинг манбасини аниқланг. *Ҳаммага маълумдурки, энг муқаддас еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотиб ҳижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтиб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб келтирган қувват ўз ватанларининг, тупроқларининг меҳру муҳаббатидир. Расули акрам набий муҳтарам соллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: “Ҳубб ул – ватани мин ал-иймани – Ватанни суймак имондандир” – демишлар.* (А. Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” рисоласи)

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Ушбу матнда прецедент бирлик *Ватанни суймак имондандир* жумласи бўлиб, унинг манбаси ҳадиси шарифдир.

3-машқ. Берилган матнда қандай прецедент жумла қўлланганлигини аниқланг. У ўзбекларнинг қайси одатига ишора қилиб келяпти?

Умрида бировга яхшилик қилмаган, аксинча, ҳамманинг дилини оғритган баттол бир одам бандаликни бажо келтирибди.

Одатдаги савол ўртага тушибди.

–Фалончи қандай одам эди?

Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Савол тагин такрорланибди:

–Биродарлар, фалончи қанақа одам эди?

Яна узоқ сукунат чўкибди. Ниҳоят, шу маҳаллада яшайдиган тиш дўхтири ўртага чиқибди.

–Ҳамма тишлари бутун эди, - дебди... Ўзбекнинг галати донишмандлиги бор (Ў.Ҳошимов. “Таомил”).

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Ўзбекларда дафндан сўнг “*Марҳум қандай одам эди?*” деб сўраш одат тусига кирган. Матнда “*Яхши одам эди*” жумласи ўрнида қўлланган *Ҳамма тишлари бутун эди* жумласи орқали Ў.Ҳошимов ўзбек халқи менталитетига хос марҳум ҳақида ножўя гап айтмаслик одатини очиб бера олган, ушбу прецедент жумла асосида мазкур матнни яратган.

4 -машқ. Муайян миллат вакиллариининг миллий менталитети билан боғлиқ бўлган прецедент номларни аниқланг. Улар матнда қандай вазифани бажаради?

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: *Пушкин, Наполеон, Колумб, Буратино, Чарли Чаплин, Отелло, Дон Жуан, Робинзон Крузо, Жеки Чан, жаноб Бин.* Прецедент номлар қўлланган матнлар филологик, ижтимоий-тарихий ва маданий фактлар ҳақидаги ахборотни ўзида сақлайди. У шундай аккумулятив хусусияти билан лингвокультурологик жиҳатни намоён этади. Муайян халқнинг адабий-бадий асарларида қўлланган прецедент номлар маълум маънода ўша халқ томонидан эгалланган маданият ва интеллект ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

Назорат саволлари:

1. Қандай бирликлар прецедент бирликлар сифатида қайд этилади?
2. *Прецедент* термини тилшуносликда илк бор қайси тилшунос томонидан илмий муомалага киритилган?
3. Прецедентлик ва интертекстуаллик қандай умумий белгиларга эга?
4. Прецедент бирликлар қандай турларга бўлинади?
5. Прецедент номлар бадий асарда қандай лингвомаданий мақсадларда қўлланади?
6. Прецедент жумлаларга қандай бирликлар мансуб?
7. Прецедент матнлар қандай вазифа бажаради?

Адабиётлар

1. Горнакова Л.Ю. Роль аллюзивного антропонима в семантике художественного текста // Известия вузов. Сер. Гуманит. науки. – №1. – М., 2010. – С. 62–66.
2. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. – М.: Гнозис, 2003. – 288 с.
3. Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация. – Вып. 2. – М.: Филология, 1997. – С. 5-12.
4. Красных В.В., Гудков Д.Б., Захаренко И.В., Багаева Д.В. Прецедентные феномены в лингвистике // Вестник Московского университета. Сер. 9. Филология. - 1997. – № 3. – С. 62-75.
5. Машкова Л.А. Аллюзивность как категория вертикального контекста // Вестник МГУ. – Сер. 9. Филология. – № 2. 1989. – С. 25.
10. Слышкин Г.Г. От текста к символу. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. - М.: Academia, 2000. - 128 с.
11. Худойберганаева Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2015.

3 – амалий машғул

Оламнинг лисоний манзарасида мақолларнинг ўрни

Ишдан мақсад: Ўзбек тилидаги мақолларнинг лингвомаданий хусусиятларига хос хусусиятларни таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

Таянч иборалар: оламнинг лисоний манзараси, маданият кодлари, соматик код, маконий код, темпорал код, предметли код, биоморф код, маънавий код, мақоллар.

Масаланинг қўйилиши: Маълумки, оламни идрок этишнинг ҳар бир тил жамоаси онгида тарихан шаклланган, бақарорлашган ва айни шу жамоа учун хос бўлган одатий ва мажбурий усуллари мажмуи оламнинг лисоний манзарасини юзага келтиради. Оламнинг лисоний манзараси дунёни идрок этиш ва концептуаллаштиришнинг универсал ва айни вақтда миллий хосланган усуллари йиғиндисидир.

Лингвомаданиятшуносликда маданият кодлари олам лисоний манзарасининг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф қилинади . В.Н. Телиянинг фикрига кўра, маданият кодлари - муайян маданий мазмунни кодлаштириш мақсадида қўлланувчи турли моддий ва формал воситалардан иборат иккиламчи белгилар тизимидир . Д.Б.Гудков, М.Л.Ковшоваларнинг маданият кодлари хусусидаги таърифи ҳам юқоридаги таърифга яқин: "Маданият кодлари - инсоннинг моддий ва маънавий оламига оид бўлган маданий мазмунни ифодаловчи белгилар тизими, улар вербал шаклда ҳам, новербал шаклда ҳам бўлиши мумкин" . Маданият кодлари хусусида тадқиқот олиб борган мутахассислар аксарият ҳолларда рус тадқиқотчиси В.В. Краснихнинг "Маданият кодлари ва эталонлари (сухбатга таклиф)" номли мақоласида келтирилган образли таърифини иқтибос қилиб келтирадilar. Олимнинг таъкидига кўра, маданият кодларини борлиққа ташланган тўр сифатида тасаввур қилиш мумкин. Тафаккуримизга хос бу "тўр" бизни ўраб турган оламни қисмларга ажратади, тартиблаштиради, шаклга солади ҳамда баҳолайди .

Маданиятшуносларнинг хулосасига кўра эса маданият кодлари маданиятни тушуниш калитидир, у бирор-бир шаклда кодланган маданий ахборотни аниқлаш имконини беради .

Маданият кодлари хусусидаги илмий таъриф ва талқинлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу термин муайян маданий мазмунни шартли, рамзий ва кодланган тарзда ифодаловчи моддий ёки идеал белгилар тизимини билдиради. Маданият кодлари инсон томонидан оламни категориялаштириш жараёнининг маҳсулидир ва бунда, юқорида таъкидлаганимиздек, инсон тили маданий мазмуннинг энг муҳим ифодачиларидан бири ҳисобланади. Маданият кодлари тилда асосан халқнинг образли тафаккурини намоён этувчи мақол, ибора, турғун ўхшатиш, метафора, қарғиш, дуо ва олқишлар каби лингвомаданий бирликларда инъикос этади. Хусусан, мақолларда инсонларнинг моддий ва маънавий олам ҳақидаги тасаввурлари, миллий тафаккури, аксиологик қарашлари яққол кўзга ташланади.

Илмий адабиётларда маданият кодларининг турлари сифатида соматик код, маконий код, темпорал код, предметли код, биоморф код, маънавий код

, антропоморф код, фазовий код, урушга доир код, тиббий код, меъморий код, спорт коди, геометрик код, гастрономик код, кийим-кечак коди, мифологик код, теоморф код, ранг-тус коди кабилар қайд этилади. Айрим тадқиқотчилар зооморф код ҳамда фитоморф кодни биоморф коднинг турлари ҳисоблайдилар, биоморф код баъзан наботот-ландшафт коди тарзида ҳам номланади .

Лингвомаданиятшуносликда маданият кодларининг асосий турлари борасида В.В. Краснихнинг таснифи эътироф этилади. Олим соматик код, маконий код, темпорал код, предметли код, биоморф код ҳамда маънавий кодни маданият кодларининг энг асосий турлари сифатида белгилайди. Лингвомаданиятшуносликда маданият кодларидан бири бўлган маънавий код яхши - ёмон, чиройли - хунук, баланд - паст каби маданий оппозицияларни, халснинг ахлоқий ёки диний кадриятларини акс эттирувчи код ҳисобланади. В.В. Маслованинг фикрича, маънавий код онтологик табиатга эга бўлиб, баҳолаш ва муносабат билдириш унинг асосий белгилари ҳисобланади . Вербал ифодада предметли кодлар кўп ҳолларда маънавий кодлар билан уйғунлашади. Бу айниқса мақолларга хос хусусиятдир. Масалан: *Она юртинг - олтин бешик; Дастурхонга боққан дўст эмас*

Тингловчилар ушбу қарацлар асосида амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим::

1. Мақолларнинг лингвомаданий моҳияти (мунозара, суҳбат).
2. Мақолларнинг маданий кодлар асосида шаклланиши.
3. Мақолларнинг бадиий матнда қўлланиши (бадиий матн таҳлили).

ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

1-машқ. Берилган матнда матн муаллифи қайси лингвомаданий бирликлардан фойдаланган? *Ойни этак билан ётиб бўлмаганидек, Абдулла Хатибнинг баднафслиги ҳам кўпчиликка аён бўлади. Энди Қутбиддин Товус Симнонийнинг тарафдорлари солиқлардан безор бўлган аҳолини Абдулла Хатибга қарши қўзғатадилар.* (П.Қодиров. "Шоҳрух ва Гавҳаршод" романи)
ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Матнда қўлланган мақол – *Ойни этак билан ётиб бўлмайди* ўзбекона образли тафаккурни намоён этиб, муайян ҳолатни аниқ ифодалашга хизмат қилади. А.Қодирий бундай ҳолатни тасвирлашда мақолдан интертекстуал матн сифатида фойдаланган ва бу ёзувчининг мақсадига тўла мувофиқ бўлган.

2- машқ. Қуйидаги мақоллар қандай маданий кодлар асосида шаклланган?

Она юртинг – олтин бешик.

Олтин олма, дуо ол, Дуо олтин эмасми?

Сўраб-сўраб Маккани топганлар.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир.

Дарахт бир жойда кўкаради.

Жўжани қузда санайдилар.

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Мақоллар предметли код (*Она юртинг – олтин бешик. Олтин олма, дуо ол, Дуо олтин эмасми?*), маконий код (*Сўраб-сўраб Маккани топганлар*), соматик код (*Кўз қўрқоқ, қўл ботир*), биоморф код (*Дарахт бир жойда кўкаради.*), зооморф код (*Жўжани қузда санайдилар*) лар асосида шаклланган.

3- машқ. Ўз шевагизда адабий тилдан фақланувчи қандай мақоллар бор? Уларнинг қандай лингвомаданий хусусиятлари мавжуд?

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Мақоллар ОЛМни яратишда муҳим аҳамиятга эга. Уларда халқнинг олами қабул қилиш тарзи ва воқеликка муносабати ўзига хос тарзда акс этади. Бу диалектал мақолларга ҳам хос бўлиб, тингловчилар буни ўзлари мисол сифатида келтирган мақоллар асосида далиллайдилар

. Назорат саволлари:

6. Мақоллар ОЛМни яратишда қандай аҳамиятга эга?
7. Бадиий матнларда мақоллар қандай лингвомаданий вазифа бажаради?
8. Тил, нутқ одоби ҳақидаги қайси мақоларни биласиз? Уларда ўзбек менталитетининг қайси жиҳатлари акс этган?
9. Мақолларда қайси маданий кодлар кўпроқ учрайди?
10. Зооморф кодлар қатнашган қайси мақолларни биласиз?

У.КУЧМА МАШҒУЛОТЛАР

1- кўчма машғулот. Бадий матннинг психоллингвистик хусусиятлари

Ишдан мақсад: Бадий матнда ифодаланган персонажлар рухий ҳолатини таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

Таянч иборалар: *ҳиссий-мазмуний доминанта, ассоциатив сўзлар, оҳанг, ёруғ матнлар, қоронғи матнлар, қайғули матнлар, қувноқ матнлар, чиройли матнлар, мураккаб матнлар.*

Масаланинг қўйилиши: Бадий матнни лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этган М.Йўлдошев ўз илмий ишида проф. Н.Маҳмудовнинг қуйидаги фикрларига эътибор қаратади: “Тилни фақат ва фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу мураккаб ва мухташам ҳодисани, энг ками, жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий-рухий заминдан мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли “тил”га бараварлаштиришдан бошқа нарса эмас... Ҳолбуки, одамлар тил воситасида туйғу ва кечинмалари, қувонч ва қайғулари, ҳайрат ва ҳайронликлари, қалбдаги ҳузурлари каби хилма-хил сезгиларни ҳам ифодалайдиларки, булар ҳамиша ҳам соф коммуникатив мақсадларни кўзда тутмайди”¹.

Ҳақиқатан, тил инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашнинг энг самарали усулларида биридир. У шундай хусусиятга эга бўлганлиги учун ҳам ўқувчининг туйғуларини “бошқара олади” – унинг қалбида турли кечинмалар, ҳиссиётларни пайдо қилади. Хусусан, бадий матн “Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган бўлади”²

Бадий матннинг айна шу хусусиятини тадқиқ этган рус тилшуноси В.П.Белянин ўз китобларидан бирида Виготскийнинг “Ҳамма жойда – фонетикада, морфологияда, лексика ва семантикада, ҳатто ритмика, вазн ва муסיкада – грамматик ва шаклий категориялар ортида психологик омиллар яширинган!” – деган фикрини келтириб ўтади³.

Психоллингвистиканинг вазифаларидан бири тил бирликлари ортида яширинган психологик омилларни матннинг лингвистик хусусиятлари билан уйғунликда ўрганишдан иборатдир. Психологияга доир адабиётларда инсон эмоцияси аффе́кт (кучли, лекин қисқа муддатли эмоционал реакциялар), ҳиссиёт (узоқ ва турғун эмоционал муносабат), кайфият ва стресс (кучли

¹ Юлдашев М.М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2009. – Б. 104.

² Юлдашев М.М. Кўрсатилган диссертация. – Б. 99.

³ Белянин. В.П. Основы психоллингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – С. 9.

руҳий зарба) каби турларга бўлиб ўрганилади¹. Табиийки, бадиий адабиёт бу эмоцияларнинг барча турларини ифодалаш имконига эга.

Психолингвистикада ўзига хос йўналиш яратган В.П.Белянин ўзининг “Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе)” номли китобида матнни психолингвистик таҳлил қилиб, матнда ифодаланган эмоция турларига кўра уларни 6 турга ажратади: 1) ёруғ матнлар; 2) қоронғи матнлар; 3) қайғули матнлар; 4) қувноқ матнлар; 5) чиройли матнлар; 6) мураккаб матнлар². Унинг “Психологическое литературоведение” номли китобида бу фикрлар янада чуқурлаштирилиб, бадиий матнлар психиатрик адабиётшунослик номли янги йўналиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинган³.

В.П.Белянин юқоридаги матн турлари таҳлилида инсоннинг қандай ҳиссиётлари устунлик қилганлигини психолог сифатида аниқлаш баробарида уларда қандай лингвистик бирликлар қўлланганлигига ҳам эътиборини қаратади. Олим бадиий асарнинг психолингвистик таҳлилига бағишланган асарида⁴ ҳиссий-мазмуний доминанта бадиий матн яратилишида асосий уюштирувчилик вазифасини бажариши ҳақидаги фикрни илгари сурди. Унинг қарашича, ҳиссий-мазмуний доминанта “матн яратилиши ядроси сифатида бадиий матннинг мазмуни, тузилиши, синтаксиси, услуби ва лексик танловини белгилаб беради”⁵. В.П.Белянин *ҳиссий-мазмуний доминанта* терминини қуйидагича изоҳлайди: “Ҳиссий-мазмуний доминанта муайян шахс типи учун характерли бўлган ҳамда олам манзараси, матнни метафоралаштириш ва вербалаштириш учун психик асос бўлиб хизмат қиладиган когнитив ва эмотив эталонлар тизимидир”⁶. В.П.Белянин ҳиссий-мазмуний доминанта ҳақидаги қарашида матнда ифодаланган муайян вазиятни шахс акцентуацияси билан боғлайди⁷.

Ўзбек бадиий прозасида ҳам инсоний ҳиссиётлар ифодаси берилган микроматнлар кўплаб учрайди. Белянин изидан бориб, турли ҳиссиётларнинг ифодаланишида қандай тил бирликлари актуаллашишини таҳлил этишга уриниб кўрамиз.

Аввало, айтиш лозимки, ҳиссиёт ифодаси берилган микроматнлар бадиий асарларда турли ҳолатлар воситасида юзага келтирилади. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Асар персонажининг руҳий ҳолати унинг нутқидан англашилади. 2. Персонажнинг руҳий ҳолати асар муаллифи нутқи воситасида берилади. Бунда муаллиф қуйидаги усуллардан фойдаланади: а) персонажнинг руҳий ҳолатини бевосита баён қилади; б) персонажнинг жисмоний хатти-ҳаракатларини тасвирлаш орқали унинг руҳий ҳолатига ишора қилади; в)

¹ Шербатых Ю.В. Общая психология. – СПб.: Питер, 2008. – 272 с.

² Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – 248 с.

³ Белянин В.Н. Психологическое литературоведение. – М.: Генезис, 2006. – 320 с.

⁴ Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – Б. 17.

⁵ Белянин В.П. Кўрсатилган асар.

⁶ Белянин В.П. Кўрсатилган асар. – Б. 23.

⁷ Белянин В.П. Кўрсатилган асар.

табиат тасвири орқали персонажнинг руҳий ҳолатига ишора қилади. Маълумки, инсон руҳиятидаги бирор ўзгариш, масалан, қувониш, хафа бўлиш, қўрқувга тушиш ва шу каби турли ҳолатлар унинг зоҳирий кўринишида намоён бўлади. Масалан, инсон нохуш хабарни эшитганда ранги оқариб кетиши, уялганида қизариб кетиши, қўрққанида тиззалари қалтираши табиий ҳолатдир. Бадиий матнда муайян шахс руҳий ҳолатини бевосита тасвирлашдан кўра ана шу ҳолатга ишора қилувчи жисмоний ўзгаришларни ифодаловчи бирликларни бериш нисбатан кўп кузатилади. Айтиш мумкинки, бундай бирликлар ҳатто стереотип бирликларга айланиб қолган. Буни кўйидаги изоҳларда кўриш мумкин:

- кўзлари чарақламоқ* – хурсанд бўлмоқ
- тиззалари бўшашиб кетмоқ* – руҳан тушкунликка тушмоқ
- юзи оқармоқ* – нохуш хабардан ўта таъсирланмоқ
- юзи қизармоқ* – уялмоқ, қаттиқ ҳаяжонланмоқ
- оёғини судрамоқ* – умидсизликка тушмоқ
- ўрнидан сакраб турмоқ* – бирор нарсдан ўта ҳаяжонланмоқ
- қўллари қалтирамоқ* – ўта қўрқмоқ ёки ўта асабийлашмоқ
- эти жимирламоқ* – бирор ҳодисадан ўта таъсирланмоқ
- овози қалтирамоқ* – ҳаяжонланмоқ
- юраги дукулламоқ* – ўта ҳаяжонланмоқ
- ерга қарамоқ* – уялмоқ

Инсон руҳий ҳолатини ифодалашда ўхшатишлар ҳам муҳим ўрин тутади. “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”да маъноси изоҳланган турғун ўхшатишлар ичида ҳолат билдирувчи ўхшатишлар ўзининг таъсирчанлиги, образлилиги ва лингвопоэтик жиҳати билан ажралиб туради. Улар қаторига *баҳор ҳавосидай ўзгарувчан, безгак тутгандай қалтирамоқ, ёш боладай севинмоқ, бўздай оқармоқ, бўтадай бўзламоқ* каби турғун ўхшатишларни киритиш мумкин. Шахс ҳолатини образли тарзда ифодаловчи юқоридаги ўхшатишларда ўхшатиш эталони муҳим аҳамият касб этиб, у тил соҳибларининг лисоний хотирасида барқарор бирлик сифатида сақланиб туради¹. Прецедент бирликлар қаторида турувчи бу каби эталонлар шахс руҳий ҳолатини эмоционал-экспрессив тарзда ифодаловчи воситалардан бири ҳисобланади.

Инсоннинг руҳий ҳолати акс этган матнлар шуни кўрсатадики, уларнинг синтактик-шаклий тузилиши ҳамда матн яратиш учун лозим бўлган номинатив бирликлар қандай бўлишини айнан матнда ифодаланаётган ҳиссиётнинг характери белгилаб беради – матн тузувчи шу ҳиссиётга мос келувчи сўзлар, жумлалар ва оҳангдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу, В.П.Белянин таъкидлаганидек, матннинг муҳим психолингвистик хусусиятларидан биридир. Бадиий асарларни кузатиш натижасида айтиш мумкинки, оҳанг инсоннинг аффектив ҳолатини тасвирлашда энг актуал бирлик сифатида намоён бўлади.

¹ Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули / Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 10–11.

Матнда психологик ҳолатларни ифодалашда ассоциатив сўзлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бундай сўзлар матнда ўзига хос ассоциатив майдон ҳосил қилиб, матн ўқувчисининг руҳиятида ҳам муайян ҳолатни юзага келтиради. Бундай ҳолатнинг юзага келишига матнда қўлланган, психологик жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлган сўзлар ҳақидаги образларнинг қайта тикланиши сабаб бўлади.

Маълумки, сўзлар ўз маъноси билан инсон психикасига таъсир этиш хусусиятига эга. Инсон ўз хотирасида сўзларнинг маънолари билан бирга уларнинг объектив оламда ўз сезги аъзолари орқали ҳис этган хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам сақлайди. Шу сабабли муайян сўз уни эшитувчи одам хотирасида муайян ассоциацияларни пайдо қилади. Агар матнда бир ассоциатив майдонга кирувчи сўзлар қўлланган бўлса, улар ўқувчи психикасига янада кучлироқ таъсир этади

Бу ерда тил (сўзлар), машҳур руҳшунос П.Павлов айтганидек, иккинчи сигнал вазифасини бажариб, инсоннинг марказий асаб тизимидаги маълум нуқталарни “уйғотади”, яъни ассоциатив майдонга кирувчи сўзлар ҳақидаги образларни қайта тиклайди. Бу жараён инсон туйғуларини тасвирлаш бош мақсади бўлган лирик тур жанрларидан бири бўлган шеърда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Турли шеърларни мутолаа қилганимизда бизда турли кайфиятнинг пайдо бўлишига энг аввало унинг оҳанги ва ассоциатив сўзлар пайдо этувчи реакция сабаб бўлади. Ўқувчи шеърни ўқиш жараёнида унда ифодаланган мазмунни англаш баробарида шеър оҳанги ва ассоциатив сўзлар таъсирини ҳам ҳис қилиб боради. “Сўз сеҳри” деб таърифланувчи ушбу жараён маълум маънода ўз моддий асосига эга, дейиш мумкин. Бунда матн ўқувчисининг тезауруси, сўзни ва оҳангни ҳис этиш салоҳияти, шунингдек, муайян адабий жараён меъёрлари ҳақидаги билими ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада матн муаллифи ва ўқувчи тенг даражада бўлмас экан, ўқувчи матнда ифодаланган бадиий мазмунни ҳеч қачон унинг муаллифи даражасида англаб етолмайди.

Тингловчи мана шу қарашлар асосида амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:

1. Бадиий матнда асар персонажи руҳий ҳолатининг ифодаланишини таҳлил қилиш (бадиий матн таҳлили).
2. Персонаж руҳий ҳолатининг адиб нутқи орқали берилишини таҳлил қилиш (бадиий матн таҳлили).
3. Персонажнинг жисмоний хатти-ҳаракати тасвирида руҳий ҳолатнинг ифодаланишини таҳлил қилиш (бадиий матн таҳлили).
4. Бадиий матнда психологик ҳолатларни ифодалашда қўлланган ассоциатив сўзларни аниқлаш.

ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

1-машқ. Берилган матнда персонаж рухий ҳолатини ифодаловчи воситаларни аниқланг.

– Сизларга мендан нима керак ўзи?! – У Муҳиддин Жабборовичга нақ бостириб боргудек важоҳатда эди. – Нима керак?! Мана шу пахта нави керакми? Олинглар! Олинглар! Мени тинч қўйинглар! Сизлар топгансизлар бу навни. Сизлар яратгансизлар! Олинглар! Ушогиям керакмас менга! Фақат мени тинч қўйинглар!

Кабинет диққинафас бўлса-да, бутун хона бир танага айлангандек ҳамманинг қулоғи динг эди. Фақат Азизнинг овози жарангларди:

– Лекин битта ҳақиқатни гапириб оламан. Уни бу бу ердаги ўтирганларнинг кўпи билади, аммо айтмайди. Мен ҳам айтмай-айтмай, шунча чидадим. Энди айтаман! Энди қўрқмайман! – Азизнинг чиндан ҳам жазаваси тутиб кетганди. – Ўшанда сиз, муҳтарам академик, мана нима дегансиз! Аспирантлигимдаёқ “бу тажрибага овора бўлма... бошни оғритма...” – дегансиз. Бу ишимни сароб дегансиз. Эсингиздами? Яқин-яқингачаям мени хом хаёл, довдир деб калака қилгансиз! Чидадим. Мана, Шорасул тирик, зиёфатида теккизиб айтган гапларингиз-чи?! Анови муҳокама пайтида-чи? “Одам ҳаётда минг хил адашиши мумкин... Тўғри йўл эса – битта”, деб бутун умримни бағишлаган мавзуимдан чалғитган вақтларингизни, наҳотки, унутдингиз?! Ахир, қайси лафзингизга ишонай?! Энди қарасангиз, бошқача чиқиб қоптимми?” Кўй нимталагандай, дастёрларингизга, гумаиталарингизга тақсимлаб беряпсиз?! Нуқул юқори идораларни ўртага соласиз! Қани, айтинг-чи, мард бўлсангиз кўпчиликнинг ичида, кимга борибман, ахир? Кимга нолибман? ... Сиз шунчаликка бордингизми, бўлди, тўйдим! Кечдим шу ишдан! Сизларга сийлов! Фақат мени тинч қўйинглар!

Азиз у ёғига ўзини тўхтатолмай, йиглаб юборди ва шарт бурилиб, ташқарига чиқиб кетди. (Ў.Усмонов. “Гирдоб” романи)

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Асар персонажининг рухий ҳолати унинг нутқидан англашилади. Бунда энг муҳим восита персонажининг рухий ҳолатига мувофиқ бўлган оҳангдир.

2 -машқ. Қуйида берилган ўхшатишларни ўзбекона образли тафаккур нуқтаи назаридан шарҳланг. Баҳор ҳавосидай ўзгарувчан, безгак тутгандай қалтирамоқ, ёш боладай севинмоқ, бўздай оқармоқ, бўтадай бўзламоқ, вулқондай отилиб чиқмоқ, тилла топган гадойдай хурсанд, тўрвасини йўқотган гадойдай каловламоқ, гулдай сўлмоқ, ранги докадай оқармоқ, етим қўзидай мўлтирамоқ, игна устида ўтиргандай безовта бўлмоқ, илон чаққандек тўлганмоқ, лавлагидай қизармоқ, лойдай бўшаимоқ, михлангандек қотиб қолмоқ, сувга тушган мушукдек шалвирамоқ, оловдай ёнмоқ, сеҳрлангандек қотиб қолмоқ, устидан совуқ сув қуйгандек сесканмоқ, ўтдай куймоқ.

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Шахс ҳолатини образли тарзда ифодаловчи ўхшатишларда ўхшатиш эталони муҳим аҳамият касб этиб, у тил

соҳибларининг лисоний хотирасида барқарор бирлик сифатида сақланиб туради . Прецедент бирликлар қаторида турувчи бу каби эталонлар шахс руҳий ҳолатини образли ҳамда эмоционал-экспрессив тарзда ифодаловчи воситалардан бири ҳисобланади.

3-машқ. Берилган матнда персонаж руҳий ҳолати қай тарзда тасвирланган?

Эшикдан қоқиниб-суришиб Салоҳиддин заргар кирди ва уйдан чиқаётган табибга тўқнашиб йиқилиб тушди. Табиб уни ўрнидан турғизмоқчи бўлган эди, чол унинг қўлини силтаб ташлаб, ўқсиб йиғлаганича ўзини мурда устига ташлади:

–Бўстонимнинг гули! Очилмай сўлган гунчам! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасму? Қари қўйдаи маъратиб, қари бувангни кимга ташлаб кетмишсен, қўзичогим?.. Инонган фарзандим сен эдинг! Энди бу давлат, бу хонумоним кимга қолур, олтиним? Кимга?..

Муштдеккина бўлиб қолган заргарнинг гўдакларча фарёди Али Қушчини титратиб юборди. Кўзида гилт-гилт ёш, у деворга суюнганича гарангсиб турарди. (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси” романи)

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Персонажнинг руҳий ҳолати асар муаллифи ва персонаж нутқи воситасида берилган бўлиб, бунда муаллиф персонажнинг руҳий ҳолатини бевосита баён қилган.

4-машқ. Берилган матнда психологик ҳолатларни ифодалашда қўлланган ассоциатив сўзларни аниқланг.

*Унсин худди дадасидан катта ҳайитлик олиб бозорбошига кетаётган ёш боладай чопқиллаб, қаршисидан эсаётган шамолга сўз бермай, баъзан иргишлаб борар эди; бироқ **гўристон** кўчасига бурилиб, салобат билан тебранаётган **қоп-қора** чинор остида оқаришиб турган **саганаларни**, белгисиз зулматни кўрганда юраги увушди-ю, зовур кўпригидан ўтиб, икки қадам юрганча тўхтаб қолди. Даҳшат унинг юрагига раҳна солди: Ганжиравон, ота-онаси, дугоналари хаёлидан кўтарилиб, кўз олдига оппоқ **кафанга** ўралиб **сагана** ва **гўрлар** атрофида елиб юрган **арвоқлар** келди. Унинг эти живирлашиб, сочи бошидаги рўмолини бир қарич кўтаргандай бўлди. Унсин беихтиёр бир қадам орқага чекинди, лекин шу ондаёқ худди **ўликдан** қўрқмаслигини бировга тисанда қилаётгандай, бақириб: “**Ўликнинг** жони йўқ, **ўликнинг** жони йўқ!” – деб олға интилди. Шу югурганича чинор остидаги **Онҳазратим саганаси** олдида тўхтади; чойнак билан қумгонни оёғи устига қўйди, **паранжи-чимматини** бир чеккага ташлади, ичида: “**Кўпи** кетиб ози қолди”, - деб суюнди. (А.Қаҳҳор. “Даҳшат” ҳикояси).*

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Матнда психологик ҳолатларни ифодалашда ассоциатив сўзлар муҳим ўрин эгаллаган. Бундай сўзлар матнда ўзига хос ассоциатив майдон ҳосил қилиб, матн ўқувчисининг руҳиятида ҳам муайян ҳолатни юзага келтирға. Бундай ҳолатнинг юзага келишига матнда қўлланган, психологик жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлган сўзлар ҳақидаги образларнинг қайта тикланиши сабаб бўлган. Маълумки, сўзлар ўз маъноси билан инсон психикасига таъсир этиш хусусиятига эга. Инсон ўз хотирасида сўзларнинг маънолари билан бирга уларнинг объектив оламда ўз сезги

аъзолари орқали ҳис этган хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам сақлайди. Шу сабабли муайян сўз уни эшитувчи одам хотирасида муайян ассоциацияларни пайдо қилади. Агар матнда бир ассоциатив майдонга кирувчи сўзлар қўлланган бўлса, улар ўқувчи психикасига янада кучлироқ таъсир этади. Матнда қўлланган *гўристон, сағана, кафан, ўлик, гўр, зулмат, қоп-қора* сўзлари ҳикоя персонажи – Унсиннинг юрагидаги бениҳоя кучли даҳшатни ифодалаш билан бирга, ўқувчида ҳам кўрқув хисларини пайдо қилади. Ўқувчи гўёки Унсин билан бирга “қоп-қора чинор остида оқаришиб турган сағаналарни, белгисиз зулматни” кўргандек даҳшатга тушади.

Назорат саволлари:

1. Бадиий асарларда ҳиссиёт ифодаси қандай воситалар орқали ифода этилади?
2. Инсон руҳий ҳолатини ифодалашда ўхшатишлар қандай ўрин татади?
3. Табиат тасвири орқали инсон руҳий ҳолатига ишора қилиш мумкинми?
4. Инсоннинг руҳий ҳолати акс этган матнлар синтактик-шаклий жиҳатдан қандай тузилади?
5. Оҳанг инсоннинг аффеktiv ҳолатини тасвирлашда қандай ўрин тутади?
6. Матнда психологик ҳолатларни ифодалашда ассоциатив сўзлар қандай вазифа бажаради?

Адабиётлар

1. Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einföhrung. - Berlin, 2001.
2. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994. - 311 p.
3. Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.
4. Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗМУ, 2008. – 24 б.
5. Белянин В.П. Основы психоллингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – 314 с. Van Dijk, Teun, A. and Kintsch, Walter. Strategies of discourse comprehension. Chap.
6. Macrostrategies. New York: Academic Press, 1983, P. 189—206.

Интернет материаллари:

[http://www.Nbuu.Gov.ua/portal/Soc-Gum/ls_2008-17/dorofeev/pdf.:](http://www.Nbuu.Gov.ua/portal/Soc-Gum/ls_2008-17/dorofeev/pdf.)
Дорофеев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики.

2 – кўчма машғулот

Бадий концептнинг матн воситасида ифодаланиши

Ишдан мақсад: Бадий концептни таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

Таянч иборалар: *концепт, синтактик концепт, лугавий концепт, матний концепт, бадий концепт, бадий матн.*

Масаланинг қўйилиши: Когнитив тилшуносликда энг фаол қўлланувчи ва турли таърифларга эга бўлган термин *концепт* ҳисобланади. Унинг когнитив тилшунослик, лингвокультурология, шунингдек, адабиётшунослик фанларидаги изоҳи ўзаро фарқланади¹. Мазкур термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларигача *тушунча* сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса², унинг ҳозирги вақтдаги изоҳи *тушунча* терминига нисбатан кенгроқ маъно касб этганини кўриш мумкин. Жумладан, Н.Ю.Шведова концепт бу – тушунча эканлиги, бу тушунча ортида эса ижтимоий ёки субъектив тарзда анланувчи, инсон ҳаётининг муҳим моддий, ақлий, руҳий томонини акс эттирувчи, ўз тарихий илдизларига эга бўлган, халқнинг умумий тажрибасини акс эттирадиган мазмун туришини кайд этади³.

Проф. Н.Маҳмудов ўз мақолаларидан бирида *концепт* термини энг кўп дефиницияга эга бўлган термин эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади: “Лингвокультурологик тадқиқотларда айнан концептнинг ифодаланиши муаммоларига жуда катта эътибор қаратилмоқда, интернет материаллари билан танишганда, масалан, Россиядаги тилшуносликларда бу йўналиш ниҳоятда кенг тарқалганини кўриш мумкин, бу борадаги ишларни санаб, саноғига етиш ҳам мушкул. Ҳатто сўнгги йилларда ёқланган номзодлик диссертацияларининг жуда катта қисми айнан у ёки бу тилда концептнинг лингвокультурологик тадқиқига бағишланган”⁴.

Рус тилшуноси Л.В.Адонина *концепт* терминига бағишланган мақоласида бу терминнинг таниқли тилшунослар томонидан қайд этилган 12 та таърифини келтиради. Шунингдек, унинг маълумотига кўра, *концепт* термини ўн нуқтаи назардан тасниф қилинган. Масалан, концепт стандартлашишига кўра универсал, этник, гуруҳга оид ва шахсий концептларга; қўлланишига кўра илмий, бадий, маиший концептларга; ифодаланишига кўра лексик-фразеологик, грамматик, синтактик ва матний концептларга бўлинади ва ҳ.к.⁵

Концепт термини борасидаги фикрлар ўзбек тилшунослари Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров ҳамда А.Э.Маматов томонидан батафсил

¹ Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественном литературе и в научном языке // Вопросы филологии. – Москва, 2001. – №1. – С.35-47.

² Демьянков В.З. Кўрсатилган мақола.

³ Шведова Н.Ю. Русский язык. Избранные работы. – М.: Языки славянской культуры, 2005. – С. 603.

⁴ Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 9.

⁵ http://rtsu.slavist.t/index.php?option=com_content&view=article&id=149&Itemid=80

изоҳланган¹. Концепт – аввало ментал тузилма. Лекин у кўп қиррали ва кўп қатламли тузилмадир. Шунингдек, концепт бир вақтнинг ўзида психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларни намоён этади. Зеро, концептнинг когнитив, психоллингвистик ва лингвокультурологик тадқиқотлар объекти сифатида тавсифланаётгани ҳам шундан далолат беради. Концептнинг субъектив, ижтимоий, лингвомаданий, бадиий концептлар сифатида типларга ажратилганлигини ягона моҳиятга турли жиҳатлардан ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. Зотан, тил тизимининг ўзи юқоридаги сифатларни ўзида жамулжам этган ниҳоятда серқирра ходисалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, тилшуносликда концептлар, асосан, лексик ҳамда лексик-фразеологик бирликлар орқали ифодаланади, деган фикр устун. Кейинги даврларда эса фанда синтактик концептлар ҳақидаги назарий қарашлар, шунингдек, ушбу мавзуга бағишланган тадқиқотлар ҳам юзага келди². Уларнинг аксариятида синтактик концепт типик пропозицияга тенглаштирилади³.

С.Е.Кузьминанинг фикрига кўра, синтактик концепт “предметлар йиғиндиси ва уларнинг муносабатини акс эттирувчи типик вазият ҳақидаги ахборот бўлиб, у гапнинг структур схемаси орқали ифодаланади ҳамда типик пропозиция (мазмуннинг структурлаштирилган йиғиндиси) орқали намоён бўлади”⁴.

С.Е.Кузьмина ўз мақоласида инглиз тилидаги қуйидаги гапларни мисол тариқасида келтиради: *I don't give you the book.* (Мен китобни сизга бермайман.) *The doctor gave him some cough medicina.* (Доктор унга баъзи йўтал дориларни берди.) *I sent her a letter.* (Мен унга хат жўнатдим.) *He sent her a greetings card.* (У унга таклифнома жўнатди).

Мақола муаллифи ушбу гаплар учун *Кимдир кимгадир ниманидир беради* шаклини типик пропозиция сифатида белгилайди. Демак, кўринадики, тадқиқотчи юқоридаги гапларда ифодаланган концептни белгилашда уларнинг мазмунини мавҳумлаштириш йўлидан борган.

Синтактик концептлар мавзусида тадқиқот олиб борган яна бир тилшунос – Л.А.Фурснинг қарашлари ҳам юқоридаги фикрларга ҳамоҳанг. Жумладан, у шундай ёзади: “Синтактик йўл билан ифодаланган концепт ўзида дунё ва тил ҳақидаги структурлаштирилган билимларни сиқик ҳолда намоён қилувчи ва уларни пропозиционал шаклда ифодалашни кўзда

¹ Қаранг: Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 29012. – № 5. Б. 3-16; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006 – 91б.; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220.

² Кузьмина С.Е. Понятие “синтаксический концепт” в лингвистических исследованиях / Вестник ЧелГУ. – 2012. – № 17 (66). Филология. Искусствоведение. – С. 87-90.

³ Қаранг: Кузьмина С.Е. Кўрсатилган мақола.

⁴ Кузьмина С.Е. Кўрсатилган мақола. – Б. 90.

тутувчи, максимал тарзда мавҳумлаштирилган мазмуний узвларни намоён этади”¹.

Маълумки, концепт – ментал тушунча. Уни бевосита кузатиш мумкин эмас. Инсоннинг когнитив фаолияти билан боғлиқ бўлган бу ходисани унинг тилдаги коррелятлари орқали аниқлаш мумкин. Синтактик концепт ҳақидаги илмий қарашлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, тил бирликларидан бири бўлган гап ҳам концепт ифодачиси (унинг тилдаги корелляти) сифатида тан олинмоқда. Демак, бу қарашларга биноан, гапда ҳам муайян концепт ўз ифодасини топади ва бу синтактик йўл билан ифодаланган концепт ҳисобланади. Синтактик концептлар гапнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб аниқланади. Шунингдек, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, нафақат лексема ёки фразеологизм, балки пропозиция (бинобарин, асосан, гап – Д.Х.) ҳам концептни ифодалаш шаклларида бири ҳисобланади, у воқеликни концептуаллаштириш ва категориялаштириш маҳсули бўлганлиги учун антропоцентрик моҳият касб этади².

Назаримизда, бу қарашларда синтактик концепт воқеликдаги бир турдаги муносабатларнинг мантиқий формуласига тенг келиб қолган. Агар концептда миллий менталлик, аксиологик модаллик, лингвомаданий омиллар ҳам акс этишини эътиборга оладиган бўлсак, юқоридаги қарашлар бир оз мунозарали туюлади. Шундай бўлса-да, концептнинг гап орқали ҳам ифодаланиши ҳақидаги фикр, бизнингча, жуда тўғри ва у бошқа бир муаммо – концептнинг матн орқали ифодаланиши ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди.

Бевосита матн ва концепт масаласига тўхталадиган бўлсак, айтиш мумкинки, матн, хусусан, бадий матн концепт ифодачиси бўла олади. Бунда, юқорида қайд этилганидек, индивидуал-муаллифий ёндашув ҳам, миллий менталлик белгилари ҳам ўз аксини топиши мумкин.

Маълумки, тилшуносликда бадий концепт концепт типларидан бири сифатида баҳоланади. Рус тилшуноси И.Г.Ткаченко концепт ҳақидаги мақоласида тадқиқотчилар томонидан бадий концептга хос қуйидаги белгилар қайд этилганини таъкидлайди: 1) мантиқ қоидаларига бўйсунмаслик; 2) реал воқеликка ҳар доим ҳам мос келмаслик; 3) потенциал образга динамик тарзда йўналганлик; 4) образлилик; 5) эстетиклик; 6) индивидуаллик³.

Тадқиқотчи И.Тарасованинг фикрига кўра, бадий концептни изоҳлашда икки ёндашувни кузатиш мумкин: 1) бадий концепт индивидуал – муаллифий, психик ҳосиладир; 2) бадий концепт миллий ва адабий

¹ Фурс Л.А. Синтаксически репрезентируемые концепты: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Тамбов: Тамбовский гос. ун-т им. Г.Р.Державина, 2004. – С. 42.

² Кузьмина С.Е. Понятие “синтаксический концепт” в лингвистических исследованиях / Вестник ЧелГУ. – 2012. – № 17 (66). Филология. Искусствоведение. – С. 89-90.

³ Ткаченко И.Г. Подходы к трактовке текста и художественного концепта в современной лингвистике // И.Г.Ткаченко, Ю.Г.Мурка // Филологические науки в России за рубежом. Материалы международ.заоч.науч. конф. (г.Санкт-Петербург, февраль 2012 г.) – СПб.: Реноме, 2012. – С. 173-175.

анъаналар ҳосиласидир¹. Аслида эса, бадий концепт юқорида қайд этилган ҳар иккала хусусиятни ўзида мужассам этади. Зеро, концептнинг ўзида ушбу белгилар мавжуддир.

Бадий асарларда, хусусан, насрий асарларда лингвокультурологияда асосий концептлар ҳисобланган *ҳаёт, ўлим, она, Ватан, муҳаббат, яхшилик, адолат, аёл* каби тушунчалар ифодаси кўп учрайди. Бадий асар ижодий фаолият маҳсули бўлганлиги сабабли, муайян концепт ифодаси бу каби матнларда, табиийки, биринчи навбатда индивидуаллик, образлилик белгиларини намоён этади. Қуйидаги матнга эътибор беринг: *Катта йўл бўйида дарахт ўсарди... Иттифоқо унинг тағига бир йўловчи келди. Кун иссиқ, йўловчи чарчаган эди. Дарахт соясида ўтириб дам олди...*

Йўловчи очиққан эди. Қараса, дарахтда мевалар пишиб ётибди. У дарахтга чиқишга эринди: тош отди. Мевалар дув тўкилди. Йўловчи тўйгунича еди ...

Манзил олис эди. Йўловчи дарахт шохини синдириб, таёқ ясади...

Кейин... заҳар танг қилиб қолди. Йўловчи дарахт панасига ўтди...

Сўнг... йўлига кетди...

Дарахт бошқа йўловчини кута бошлади... Бу дарахтнинг номи Яхшилик эди... (Ў.Ҳошимов. “Йўл бўйидаги дарахт”)

Ў.Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” китобидан олинган мазкур матнда ЯХШИЛИК концепти ўз ифодасини топган. Матнда бу концепт “дарахт” рамзи орқали ифодаланган бўлиб, муаллифнинг когнитив-дискурсив фаолиятида қўлланган ўхшатиш амали матннинг метафорик мазмун касб этишига олиб келган.

Ф.М.Достоевский ва М.А.Булгаков романларини лингвокогнитив таҳлил қилган О.А.Актисова ўз ишида тавсифий характердаги микроматнларда концепт матн яратувчанлик хусусиятига эга бўлади, деган фикрни илгари суради. Ўзбек ёзувчилари асарларидан олинган микроматнлар ҳам бу фикрнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Ў.Ҳошимовнинг юқорида тилга олинган китобидаги бир неча матнда АЁЛ концепти ўз ифодасини топган. Улар тавсифий характердаги микроматнлар бўлиб, АЁЛ концепти майдонига кирувчи турли микроконцептларнинг вербал кўринишларидир. Масалан:

“Аёл кишини ипидан игнасигача биламан”, дейсизми? О-о-о, сиз даҳо экансиз!

Айтинг-чи, шарқдан секундига беш-етти метр тезликда эсаётган шамол ўн дақиқадан кейин шимолга буриладими, жанубгами? Ярим соатдан кейин изғиринга айланадими, бўронгами?..” (Ў.Ҳошимов. “Даҳо” экансиз!”)

Аёл меҳри - асалдек тотли. Аёл макри – заҳардек хавфли. (Ў.Ҳошимов. “Меҳр ва макр”)

¹ Тарасова И.А. Художественный концепт: диалог лингвистики и литературоведения // Лингвистика. Вестник Нижегородского ун-та. – 2010. – № 4(2). – С. 742-745.

Аёллар! Йиғлаб кўнглингизни бўшашишдек неъматни ато этгани учун Яратганга шукроналар қилинг. (Ў.Ҳошимов. “Неъмат”)

Аёл кишига аввало Она деб қарасак, ҳаммаси жой-жойига тушади. (Ў.Ҳошимов. “Мўътабар зот”)

Аёл шундай жумбоқлар китобики, ҳали ҳеч ким уни охиригача ўқий олган эмас. (Ў.Ҳошимов. “Абадий жумбоқ”)

Микроматнлардан кўринадикки, уларда аёл шахсиятига хос бўлган меҳрибонлик, сирлилик, маккорлик, оналик сифатлари акс этган. Бу ҳар бир микроматнда *АЁЛ* концепти билан боғлиқ ассоциацияларнинг фаоллашувига сабаб бўлган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, микроматндаги бадий концепт ифодасида концептнинг ижодкор шахс учун муҳим ҳисобланган муайян қиррасигина ўз ифодасини топади.

Бадий асарларни кузатиш шундан далолат берадики, ўзбек тилида яратилган микроматнларда *ҲОЛАТ* концепти ҳам ранг-баранг ифодаларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бу, аввало, бадий адабиётнинг бош мақсади инсон ва у билан боғлиқ феноменларни тасвирлаш эканлиги билан изоҳланади. *ҲОЛАТ* концепти суперконцепт мақомида бўлиб, бу майдонга кирувчи шодлик, қайғу, соғинч, изтироб каби тушунчаларнинг матн орқали ифодаланиши тасвирнинг тўлақонли бўлишини таъминлайди.

Тингловчи мана шу қарашлар асосида амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва муайян натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:

1. Бадий матнда концептнинг ифодаланишини таҳлил қилиш (бадий матн таҳлили).

2. Концептнинг воқеланишида қайси лисоний воситалардан фойдаланилганини аниқлаш (бадий матн таҳлили).

3. Бадий концептларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш (бадий матн таҳлили).

ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

1-машқ. Берилган матнда қайси концепт ифодаланганини аниқланг..
Бирдан аллақайси мусича чўзиб ку-кулади. Шу қадар нола қилдики, мусичанинг товушида шу қадар мунг, шу қадар соғинч, шу қадар дард борлигини биринчи бор илғашим... Сизни эсладим... Мусича яна ку-кулади, азбаройи ҳовли жаранглаб кетди, беозор парранданинг бўғиқроқ товуши менинг ичимдан эшитилаётгандек бўлди... Бу товуш Сизни чақираётган, Сизни чорлаётган эди... Сезяпсизми, Сизнинг сўзингиздан чиқмай ортиқча изтиробларга берилмасликка уринганим сайин Сизни ўйламаслик, Сизни хаёлдан қувиб чиқариш эпини тополмадим. (Х.Дўстмуҳаммад. “Ҳижроним мингдир менинг” қиссаси)

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Ушбу матнда **Соғинч** концепти ифодаланган бўлиб, асар персонажининг руҳий ҳолати унинг нутқидан англашилади.

2 -машқ. Ушбу матнда **Хайрат** концептининг воқеланишида қайси лисоний воситалардан фойдаланилган?

Бу жуда гўзал манзара эди, буни фақат уста рассомларнинг суратларидагина кўриши мумкин, бироқ энг зўр мусаввир ҳам унинг қўшиғига бўёқ тополмаган бўларди. Қизнинг овозида бани дунё ўзаро уйғунлашиб жаранглар, гўё хаёл ҳам, гўзаллик ҳам, орзу ҳам қизнинг қиёфасига кириб қўшиқ айтарди. Қўшиқни тинглаётган одам баҳорни, яшариши фаслини, солланиб турган гулларни, шабададан тўкилай-тўкилай деяётган қизгалдоқ баргидаги шудрингни, туман қоплаб олган бозни, варрак учираётган болаларни, юксак-юксакларда парвоз қилаётган, жилваланаётган болалик хаёлини кўз олдида келтириши мумкин эди. Болалик каби гўзал, тиниқ ва орзуманд бу овоз қуёшнинг иссиқ тафтидек ўз оҳанги билан одамни эритиб юборар, кўнгилга ёқимли шабададай эсиб кирарди. Тўрт ҳашарчи шундай таассуротларни бошидан кечирар, улар қўшиқни охиригача эшитмоқчидай донг қотиб туришарди. (Н.Эшонқул. “Момоқўшиқ” қиссаси)

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Матнда кўшиқ айтаётган аёлни эшитиб турган ҳашарчиларнинг қалбидаги тўлқинланиш, хайрат ҳислари табиат манзаралари тасвири воситасида намоён бўлган. Бунда ёзувчи сифатлашлардан моҳирона фойдаланган: *яшариши фасли, солланиб турган гуллар, шабададан тўкилай-тўкилай деяётган қизгалдоқ баргидаги шудринг, туман қоплаб олган боз, варрак учираётган болалар, юксак-юксакларда парвоз қилаётган, жилваланаётган болалик, болалик каби гўзал, тиниқ ва орзуманд бу овоз, қуёшнинг иссиқ тафтидек оҳанг* каби.

3-машқ. Берилган матнда қайси концепт ифодаланганини аниқланг. *Яна вужудини даҳшат босди. Назарида эри азроилдек, кела солиб, жонини оладигандай, юраги қўрқувдан дукиллаб ура бошлади. Қўллари, бўгинлари, бутун жисми титраб-қақшаб, ичи яхлагандай, туйғусиз бир махлуққа ўхшаб ўтирарди. Айниқса, Азиз шидан қайтадиган вақт яқинлашган сари баттар восвосга тушиб, ўзидан-ўзи йиғлагиси келар... елга совурилган қадри, номусининг аламига чидолмаганиданми, Азизнинг қаҳридан қўрққаниданми, ўксиб-ўксиб, борган сари ўзини тўхтатолмай йиғлай бошлади... (Ў.Усмон. “Гирдоб” романи)*

ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ: Ушбу матнда **Кўрқув** концепти ифодаланган бўлиб, асар персонажининг руҳий ҳолати унинг ҳаракатларидан англашилади

Назорат саволлари:

1. Лингвистикада концептлар қандай турларга бўлиб ўрганилади?
2. Бадий асарларда концептлар қандай воситалар орқали ифода этилади?
3. Табиат тасвири орқали инсон руҳий ҳолатига ишора қилиш мумкинми?
4. Бадий концептларнинг ўзига хослиги нимада?

5. Бадиий асарларда **Ҳолат** концептининг ранг-баранг ифодаларга эга эканлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Адабиётлар

1. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994. - 311 p.
2. Слышкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. – М.: Academia, 2000.
3. Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение: Учебное пособие. – М.: Флинта, 2011. – 176 с.
4. Ткаченко И.Г. Подходы к трактовке текста и художественного концепта в современной лингвистике // И.Г.Ткаченко, Ю.Г.Мурка // Филологические науки в России за рубежом. Материалы междунаро.заоч.науч. конф. (г.Санкт-Петербург, февраль 2012 г.) – СПб.: Реноме, 2012. – С. 173-175.
5. Тарасова И.А. Художественный концепт: диалог лингвистики и литературоведения // Лингвистика. Вестник Нижегородского ун-та. – 2010. – № 4(2). – С. 742-745.
6. В.З. Понятие и концепт в художественном литературе и в научном языке // Вопросы филологии. - Москва, 2001. - №1. - С.35-47. Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 29012. – № 5. Б. 3-16;
7. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.
8. Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220.
9. Краткий словарь когнитивных терминов / Сост.Кубрякова Е.С., Демьянков В.З.,Панкрац Ю.Т., Лузина Л.Г. – М.: МГУ им. М.В.Ломоносова, 1997.– 245 с.
10. Van Dijk, Teun, A. and Kintsch, Walter. Strategies of discourse comprehension. Chap. 6. Macrostrategies. New York: Academic Press, 1983, P. 189—206.

Интернет материаллари:

11. [http://www. Nbuu. Gov. ua/portal/Soc-Gum/ls 2008-17/dorofeev/pdf.:](http://www.Nbuu.Gov.ua/portal/Soc-Gum/ls_2008-17/dorofeev/pdf.) Дорофеев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики.

VI.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.

- 1.Инсонни тавсифловчи сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари.
- 2.Ўзбек тилидаги тақлидларнинг маъно хусусиятлари.
- 3.Ўзбек тилидаги ундовларнинг маъно хусусиятлари ва нутқий қўланилиши.
- 4.Ўзбек тилидаги модал сўзларнинг лисоний-нутқий хусусиятлари.
- 5."Улуғбек хазинаси" романидан ономастик бирликлар.
- 6."Лайли ва Мажнун" достонида ономастик бирликлар.
- 7."Меҳробдан чаён" романидан антропонимлар тадқиқи.
- 8.Абдулла Орипов шеърлятида ономастик бирликлар.
- 9.Муҳаммад Юсуф шеърлятида диалектизмлар.
- 10.Тоғай Мурод романлярида метафора.

VII.КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Республикамизда олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш йўлга қўйилган. Тест синовларининг афзалликлари мавжуд бўлишига қарамасдан, ўқишга қабул қилинган талабаларнинг билимларида муайян камчиликлар учрайди. Уларнинг баъзиларида нутқ ва мулоқот маданияти паст даражада, ўз фикрини баён этиш, фикрини асослаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмалари таркиб топмаганлиги маълум бўлади.

Саволлар:

1. Муаммо нимадан иборат?
2. Мазкур муаммони ҳал этиш учун профессор-ўқитувчилар қандай ишлар олиб бориши лозим деб ўйлайсиз?
3. Сиз бу муаммога қандай ечимлар таклиф қиласиз?

Манба: Педагогик квалиметрияга доир адабиётлар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ дахлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гуруҳда муҳокама қилинади.
2. Тингловчи кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлайди.
3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.
4. Кичик гуруҳ аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.
5. Кичик гуруҳларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

Ўқитувчининг ечими

1-омил: Давлат Тест маркази томонидан фанлар бўйича тузилган тест топшириқлари стандарт тестлар бўлиб, абитуриентларнинг фан асосларини ўзлаштириш даражасини аниқлашга эмас, балки уларнинг хотирасининг кучлилиқ даражасини аниқлайди.

2-омил: Профессор-ўқитувчилар ўқишга қабул қилинган талабаларнинг нутқ ва мулоқот маданияти, ўз фикрини баён этиш, фикрини асослаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида ностандарт ўқув ва тест топшириқларидан фойдаланиши лозим.

2-кейс. Олий таълим муассасасининг “Аноним хатлар” кутисига табиий фанлар факультетида педагогик фаолият юритаётган Ҳасан Ҳусановичнинг таъмагирлиги, талабаларга тазйиқ ўтказиши ҳақида маълумот келиб тушди.

Факультет декани Ҳасан Ҳусанович машғулоти олиб борадиган гуруҳ талабалари билан Ҳасан Ҳусанович иштирокида умумий тарзда суҳбат ўтказди. Хатдаги фактлар тасдиқланмади. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

Саволлар:

1. Факультет декани ушбу масалани ўрганишда қандай хатога йўл қўйди?
2. Ушбу масала қандай ўрганиш лозимлиги ҳақида тавсия ишлаб чиқинг.
3. Нима сабабдан суҳбат давомида талабалар томонидан Ҳасан Ҳусановичнинг педагогик фаолиятидаги камчиликлар борасида фикр билдирилмади?
4. Сиз ушбу муаммони қандай ҳал этган бўлардингиз?

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Инсон ҳуқуқлари декларацияси”, Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасалари Низоми, Педагогик квалиметрия.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гуруҳда муҳокама қилинади.

2. Тингловчи кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлайди.

3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.

4. Кичик гуруҳ аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.

5. Кичик гуруҳларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

Ўқитувчининг ечими

Факультет раҳбарлари ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги камчиликларни ўрганишда хатоликка йўл қўйган. Бу ҳолатда педагогик квалиметриянинг аноним сўровнома методидан фойдаланиш ва олинган натижаларни муҳокама этилиши лозим эди.

3-кейс. Факультет илмий Кенгашида “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” танловига номзодлар танланмоқда. Бакалавриат йўналишининг 3 курсида турли курслардан машғулот олиб борадиган 2 та профессор-ўқитувчининг педагогик фаолияти ва эришилган натижалар таҳлил этилмоқда. Ҳар иккала устознинг ҳамма кўрсаткичлари бир хил, лекин талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимлари таҳлилида фарқ мавжуд.

Биринчи устоз талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини стандарт тест топшириқлари билан баҳолаган ва 100% ўзлаштириш ва 60% таълим самарадорлигига эришган.

Иккинчи устоз талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини ностандарт тест топшириқлари билан баҳолаган ва 98% ўзлаштириш ва 50% таълим самарадорлигига эришган.

Илмий кенгаш йиғилиши биринчи устозни танловда ғолиб деб топган ва рағбатлантирилган.

Саволлар:

1. Факультет илмий Кенгаши ушбу масалани ўрганиш ва таҳлил қилишда қандай хатога йўл қўйди?

2. Ушбу масала қандай ўрганиш лозимлиги ҳақида тавсия ишлаб чиқинг.

3. Сиз қандай фикрдасиз, Илмий кенгаш йиғилиши тўғри қарор қабул қилдими?

4. Сиз ушбу муаммони қандай ҳал этган бўлардингиз?

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Инсон ҳуқуқлари декларацияси”, Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасалари Низоми, Педагогик квалиметрия.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ дахлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гуруҳда муҳокама қилади.
2. Тингловчи кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлайди.
3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.
4. Кичик гуруҳ аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.
5. Кичик гуруҳларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

Ўқитувчининг ечими

Ўзбекистон Республикасининг “Олий таълим муассаси Низоми”да “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” танловига номзодларни танлашда ижодкор, янгиликка интилувчан ва педагогик жараёнга инновацияларни жорий этган устозларга эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилган.

Биринчи устознинг талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини стандарт тест топшириқлари билан юзаки баҳолаган ва олинган натижа амалда ўзини оқламаслиги аниқ. Бу ҳолатда иккинчи устоз томонидан талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини ностандарт тест топшириқлари билан баҳолаганлиги унинг ижодкорлигини билдиради ва эришилган натижанинг ишончлилиги юқори.

Илмий кенгаш йиғилиши тўғри қарор қабул қилиши учун мазкур жараёни чуқур ўрганиши, интегратив ностандарт тест топшириқлари асосида талабалар билимини аниқлаши лозим эди.

VIII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Антропоцентрик парадигма	<p>Тилни нафақат структура, балки коммуникацияга асосланган очик тизим сифатида ўрганувчи, уни жамият, инсон, маданият, руҳият каби бошқа тизимлар билан алоқадорликда тадқиқ этувчи, инсонни тил ичида ёки тилни инсон ичида таҳлил этишга йўналтирилган таълимотлар ва усуллар мажмуаси; лингвокультурология, когнитив тилшунослик, психолингвистика, этнопсихолингвистика, маданиятлараро мулоқот, нейролингвистика каби соҳаларни бирлаштирувчи парадигма.</p>	<p>A set of doctrines and methods that examine language as an open system, not just a structure, but a connection to other systems such as society, human, culture, and spirit; linguoculturology, cognitive linguistics, psycholinguistics, a paradigm that combines such areas as ethnopsycholinguistics, intercultural communication, and neuroling.</p>
Антропоцентризм	<p>(грек. anthropos - одам + лот. sentrum - марказ) Тилшуносликда: тилга инсон омили нуқтаи назаридан ёндашиш</p>	<p>(Greek. anthropos - man lot. centrum - center) In linguistics: Approach to language from the point of view of human factor</p>

<p>Интертекстуаллик</p>	<p>(<i>лот.</i> inter - оралик + <i>лот.</i> textus - мато; тўқиш; алоқа, уйғунлик) Бирор матн таркибида бошқа матн ёки унинг унсурларининг очик ёки яширин тарзда мавжуд бўлиши.</p> <p>Лингвокультурологияда интертекстуалликка икки маданий-семиотик майдоннинг "диалоги" сифатида ёндашилади.</p>	<p>(<i>lot.</i> inter - intermediate + <i>lot.</i> textus - cloth; knitting; communication, harmony)</p> <p>The existence of another text or its elements openly or covertly in any text.</p> <p>In linguoculturology, intertextuality is treated as a "dialogue" of two cultural and semiotic spaces.</p>
<p>Когнитив тилшунослик</p>	<p>(<i>лот.</i> cognitio – билим)</p> <p>Тил бирликларининг ахборотни қайта ишлашдаги ролини нутқ яратилиши ва идрок этилиши нуқтаи назаридан ўрганувчи фанлараро соҳа. Бунда нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи субъектларга ахборотни қайта ишловчи тизим сифатида қаралади. Когнитив тилшунослик тил ва онг муносабатини, оламни концептуаллаштириш ва категориялаштириш, билиш жараёнларида ва</p>	<p>(<i>lot.</i> cognitio - knowledge)</p> <p>Speech creation and perception of the role of language units in information processing interdisciplinary field of study. The speech maker and him</p> <p>Perceptual entities are treated as information processing systems. Cognitive linguistics is the relationship between language and consciousness, the universe explores issues such as conceptualization and</p>

	тажрибаларни умумлаштиришда тилнинг ўрни каби масалаларни тадқиқ этади.	categorization, the role of language in cognitive processes, and the generalization of experiences.
Концепт	(лот. conceptus - тушунча; билим) Инсоннинг ментал ва руҳий имкониятлари, унинг билими ва тажрибасини акс эштирувчи ахборот тизими бирлиги.	(lot. conceptus - concept; knowledge) A unit of information system that reflects one's mental and psychological capabilities, knowledge and experience.
Лингвомаданий концепт	Маънавий қадриятларга йўналтирилган, лисоний ифодага эга бўлган ва этномаданий ўзига хослик билан ажралиб турадиган жамоа онги бирлиги	Unity of collective consciousness, focused on spiritual values, linguistic expression and ethnocultural identity
Лингвокультурология	(лот. lingua - тил + лот. cultura-ишлов бериш+ грек.logos-таълимот) Тилшунослик, маданиятшунослик, этнография, психолингвистика соҳалари ҳамкорлигида юзага келган, тилнинг маданият, этнос, миллий менталлик билан ўзаро алоқаси ва таъсирини	(Latin. lingua - language + lot. cultura-processing + grek.logos-doctrine) Linguistics, cultural studies, ethnography, in the field of psycholinguistics emerging, language culture, ethnicity, nationality interaction and impact with mentoring

	антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ўрганувчи соҳа.	a field of study based on the principles of anthropocentric paradigm.
Маданий кодлар	Муайян маданий мазмунни шартли, рамзий ва кодланган тарзда ифодаловчи моддий ёки идеал белгилар тизими	A system of material or ideal symbols that represent a particular cultural context in a conditional, symbolic and coded manner
Оламнинг лисоний манзараси	Воқеликни идрок этишнинг тилда муҳрланган ва муайян лисоний жамоа учун хос бўлган тузилиши, оламни идрок этиш ва концептуаллаштиришнинг универсал ва айти вақтда миллий хосланган усули	The sealed and language- specific structure of reality perception is a universal and simultaneously nationalized way of understanding and conceptualizing the world.
Прецедент номлар	Машхур матнлар ёки вазиятлар билан боғлиқ бўлган номлар, шунингдек, муайян сифатларнинг намунавий йиғиндисига ишора қилувчи рамзий номлар. Масалан: <i>Алпомиш, Мажнун, Сукрот, Хотам, Наполеон, Рим, Самарқанд</i> Этнолингвистика (Грек. ethnos - халқ + lot.lingua -	Famous texts or situations involving names, as well as symbolic names referring to an exemplary set of certain attributes. Example: Alpomish Majnun, Socrates, Hotam, Napoleon, Rome, Samarkand Ethnolinguistics (Greek. Ethnos - folk + lot.lingua - language) 1 The

	<p>тил) 1 Тилнинг маънавий маданият, халқ менталитети, халқ ижоди билан муносабати ва алоқадорлигини тадқиқ этувчи соҳа.</p> <p>2 Тилнинг маданият билан, шунингдек, этномаданий ва этнопсихологик омиллар билан муносабатини диахроник планда ўрганувчи соҳа.</p>	<p>relationship of language with spiritual culture, folk mentality, folk art. and research related.</p> <p>2 Language with culture as well as ethnocultural and ethnopsychological factors</p> <p>The field of study of the relationship with the dachron.</p>
<p>Қиёсий лингвокультурология</p>	<p>Лингвокультурологиянинг алоҳида, лекин ўзаро боғлиқ бўлган этносларнинг лингвомаданияти тадқиқи билан шуғулланувчи йўналиши</p>	<p>The direction of linguoculturology in the study of linguistic culture of separate but interconnected ethnicities</p>

IX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи. 2017. 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. Т., 2016. 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Т.: Ўзбекистон, 2017. 488 б.

II. Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва кўшимчалар билан). Т., 2014.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997. 9-сон, 225-модда.

5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбир-корлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил май-даги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомил-лаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789 сонли Фармони

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №-797 сонли Қарори

III. Махсус адабиётлар

1. Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einführung. -Berlin, 2001.
2. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994.-311 p.
3. Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.
4. Hudson R.A. Sociolinguistics. - Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2001. -279 p.
5. Pragmatics in Language Teaching (ed. by K.R.Rose and G. Kasper).- Cambridge: Cambridge Univ. Press 2001.-386 p.

6. Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 24 б.
7. Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2010. – 320 б.
8. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2008. – 26 б.
9. Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). – М.: РУДН, 1997. – 331 с.
10. Горелов И.Н., Седов К.Ф. Основы психолингвистики: Учеб. пособие. – М.: Лабиринт, 2001. – 298 с.
11. Залевская А.А. Введение в психолингвистику: Учебник для студентов высших учебных заведений. – М.: Российский гос. гуманитар. ун-т, 1999. – 382 с.
12. Залевская А.А. Текст и его понимание. – Тверь: ТвГУ, 2001. – 171 с.
13. Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида АЁЛ концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2012. – 24 б.
14. Иванова С.В. Культурологический аспект языковых единиц. – Уфа., 2002. – 114 с.
15. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. – 263 с.
16. Ковшиков В.А., Пухов В.П. Психолингвистика. Теория речевой деятельности: Учебник для вузов. – М.: Астрель, АСТ. – 2007. – 318 с.
17. Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. – М.: Гнозис, 2002. – 284 с.
18. Курбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – 25 б.
19. Маслова В. Лингвокультурология: Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001. – 208 с.
20. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2000. – 47 б.
21. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 24 с.
22. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.
23. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – 285 б.
24. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Academnashr, 2013. – 174 б.

25. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – 41 б.

26. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Монография. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. www.tdpu.uz
5. www.pedagog.uz
6. www.nuuz.uz
7. www.bimm.uz
8. www.literature.uz
9. www.kutubxona.uz
10. [http:// www.disser.h10.ru/pedagog.html](http://www.disser.h10.ru/pedagog.html)
11. <http://www.istedod.uz/>
12. www.scopus.com